

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

**Кўлёзма хукуқида
АБДУОЛИМОВ ОҚИЛЖОН**

**Ҳофиз Таниш ал – Бухорийнинг “Абдулланома” асарида ўзбек
халқи тарихи талқинлари**

**5220200-Тарих (Минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим йўналиши
бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й
И Ш И**

Иш раҳбари:

Катта ўқитувчи О. Абдураупов

АНДИЖОН – 2015

**Мавзу: Ҳофиз Таниш ал – Бухорийнинг “Абдулланома”
асарида ўзбек халқи тарихи талқинлари.**

Режа

Кириш.

- 1. Ҳофиз Таниш ал – Бухорийнинг “Абдулланома”
(“Шарафномайи шохий”) асарининг яратилиши.**

- 2. Мовароуннухрнинг XVI асрдаги ижтимоий – сиёсий
тарихининг ёритилиши ва туркий қабилалар таснифи.**

- 3. XVI асрдаги Хуросондаги ижтимоий – сиёсий ҳаёт ва ўзбек
элати талқинлари.**

Хулоса

Фойдаланилган манба ва адабиётлар.

КИРИШ

Мавзуни долзарбилиги. Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши республикамизнинг бугунги кунинигина эмас, балки истиқболини ҳам белгилаб берувчи асосий омилдир. Ўзбекистон республикасининг истиқтол йўли авлод – аждодларимизнинг тарихий анъаналари ва маънавий меросига суянган холда танлаб олинди. Зотан, мустақиллик йўли Ўзбекистон халқларининг тарихий анъаналари ва маънавий бойликларини қайта тикловчи, яъни мазмун билан бойитувчи йўлдир.

“Тарих хотираси, – деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов – халқнинг жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудини холис ва хаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади.

Тарих миллатнинг хақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, яъни фуқоролик онгини шакллантирмоқда. Аҳлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда”.¹

Хозирги кунда Ўзбекистоннинг ўтмиш тарихини мукаммал ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Қадимги тарихни ёритиш жараёни ўтмиш манбалари, археологияга оид ашёлар ва ёзма маълумотлар билан узвий боғлангандир.

Хозир Ўзбекистон деб аталувчи худуд яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу – фузалолар, олиму – уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиқкан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997. Б – 140.

шу заминда яратилган, сайқал топган. Милодгача ва ундан сўнг қурилган мураккаб сув иншоатлари, шу кунгача кўрку – файзини, маҳобатини йўқотмаган асори – атиқаларимиз қадим – қадимдан юртимизда дехқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешавқат давр синовларидан омон қолган энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бутун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ кўлёзма, уларда мужассамлашагн тарих, адабиёт, санъат, сиёsat, аҳлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, дехқончиликга оидлиги бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир.

Бунчалик катта меъросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларнигина биз билан беллаша олиши мумкин.

Ота – боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган хаётий тажрибалари, диний, аҳлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир кўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки ўзингизга маълум, Шўролар замонида тарихий хақиқатни билишга интилиш, рағбатлантирилмас эди, хукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди.¹

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кейинги долзарб муаммолар бири – ўзбек халқининг маънавий меросини тиклаш ва янада камол топиши учун кенг имкониятлар очиш керак эди.

Ўзбекистон мустақил тараққиётга қадам қўйганидан буён ўтган йиллар давомида маънавий соҳада юз берган ўзгаришларни энг мухими халқнинг узоқ йиллар мобайнида тўплаган бой тарихий – маънавий меросига эътиборнинг кучайайиши бўлди.

Ўлкамиз бир неча бор ажнабий босқинчилар хужумига дучор бўлган, қарамлик зулми остида қолган бўлса – да, халқ ўзлигини йўқотмади, ўзининг бой маънавий меросимизга синфий нуқтаи – назардан ёндашиш оқибатида

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998. Б- 3 – 4.

миллий қадриятларимиз, урф – одатларимиз прогрессив ва реаксион блокларга бўлинди. Реакцион – деб баҳоланган миллий қадриятларимиз, одатларимиз ва анъаналаримиз қораланди, танқид остига олинди. Кўпгина тарихий ёдгорликлар бузилди, китоб ва қўлёзма асарларни нашр этиш, ўрганиш ман этилди ёки эътиборсиз қолдирилди.

Бирон – бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар маънавий ва аҳлоқий қадриятларини ривожлантирумай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Халқимизнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Ўзоқ давом этган қаттиқ мағкуравий тайзиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан – авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини нийҳоятда мухим вазифа бўлиб қолди.¹

Маънавий мерос қадим замонлардан бери аждодларимиз, ота – боболаримиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар, аҳлоқ – одоб меъёрлари, илм – фан ютуқлари, тарихий – бадиий ва санъат асарлари мажмуидир. Маънавий қадриятлар, бойликлар инқилобий йўл билан хосил қилинадиган ходиса эмас, у жамият тараққиётининг барча босқичларида унинг эхтиёжлари туфайли юзага келади ва ўша давр ҳаётини акс эттиради, у ҳаёт ўзгариши билан йўқолиб кетмайди, кейинги авлодлар учун маънавий мерос бўлиб қолади. Хар бир авлод маданиятини янгитдан яратмайди, маънавий меросга таянади, бироқ уни қандай бўлса, шундайлигича, кўр – кўронада қабул қиласермайди, тараққиյпарварлик, инсонпарварлик, адолат нуқтаи – назаридан қабул қиласи ва ривожлантиради.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997. Б – 137.

Мавзуни ўрганилиш даражаси. Президентимиз Ислом Каримов сўзи билан айтганда “қадим аждодларимиз ҳаётининг асосини ўтрок маданият ташкил етганми ё кўчманчими? Ўзбек халқининг шаклланишида қандай елатларнинг таъсири бўлган?”¹ Тарихимизда юқорида Президентимиз томонидан берилган соволларга ҳаққоний жавоб топиш ҳозирги даврнинг долзарб масалалариданdir.

Бу муаммони ҳал етишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 27 – июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори катта иконият уфқларнинг очиб берди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур Битурув малакавий ишимиз XVI асрда Ватанимиз ҳудудида кечган ижтимоий – иқтисодий ва маънавий ҳаётни ёритувчи Ҳофиз Таниш ал – Бухорийнинг “Абдулланома” (“Шарафномаи шохий”) асарининг тарихимиз учун қанчалик қимматлилик томонларига бағишланган бўлиб, уларда илгари сурилган ғояларни ёритишга харакат қилдик. Бу мавзуни тадқиқ етиш, ўрганишни ҳаётнинг ўзи тақозо етмоқда, шунинг учун бу масала ҳозирги вактда амалий аҳамият ҳам касб етади.

Битибув малакавий ишнинг тузилиши кириш, учта параграф, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар каби қисмларидан иборат бўлиб, унда олдимизга қўйган вазифани тарихий адабиётларга суюнган холда имкон қадар уддалашга харакат қилдик.

Ушбу Битибув Малакавий ишимиздан келгусида Касб хунар коллежлари ва Академик литеяларда Ўзбекистон тарихини ўқитишда

¹ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998, 12 – 13 бетлар.

шу мавзуга оид мавзуни ёритишда қўшимча материал сифатида фойдаланиш тавсия етилади.

1. Ҳофиз Таниш ал – Бухорийнинг “Абдулланома” (“Шарафномайи шоҳий”) асарининг яратилиши.

Тарихга кириб бораётган бугунги хар бир кун ўз мохияти ва аҳамияти жиҳатидан ўнлаб йилларга тенгдир. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳар куни ўзок давр мобайнида тўпланиб, ўз ечимини кутиб ётган кўпгина муаммолар ҳал қилинмоқда, айрим жабҳаларда юзага келган мураккаб вазиятларни ижобий йўналишга буриш ва ундан жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш бўйича амалий харакатлар қилинмоқда.

Ватанимиз тарихи бўйича қимматли маънавий мерослардан бири Ўрта Осий ва Қозогистон ва улар билан қўшни бўлган хорижий мамлакатларнинг XVI асрдаги тарихи бўйича асосий манбалардан бири Ҳофиз Таниш ал – Бухорийнинг “Абдулланома” (“Шарафномайи шоҳий”) асаридир. Асар Шайбоний Абдуллахон II нинг буйруғи билан 1584 – 1590 йиллар оралиғида ёзилган. “Абдулланома” асарида тўлиғича 940 / 1533 – 34 йиллардан то 997 / 1588 – 90 йилларгача Ўрта Осий, Қозогистон ва қисман Афғонистон ва Хурсонда бўлган сиёсий воқеаларни ўз ичига олади. Асарнинг қарийиб қирқ варакдан иборат муқаддимаси илгари ёзилган бошқа асарлар асосида тузилган бўлиб, ундан Абдуллахоннинг насаби, XV – XVI асрларнинг биринчи чорагида Мўғилистонда¹ бўлган сиёсий аҳвол қисқача баён қилинади. Муаллиф ўзидан илгари ўтган машхур тарихчилар: Рашиддиддин, Мирхонд, Шарофиддин Али Яздий ва Абулхасан Нишопурий асарларига тайанганини очиқ айтади. Ундан ташқари Наршахийнинг машхур “Тарихи Бухоро”, Жувайнийнинг “Тарихий Жахонкушойи”, Мирзо Мухаммад Хайдарнинг “Тарихий Рашидий” ва Кошифийнинг “Рашохоту айн ул - ҳаёт” ва бошқа асарлардан ҳам фойдаланилган.

Ҳофиз Таниш Бухорий дастлаб ўз асарини икки қисм (мақола) дан иборат қилиб тузмоқчи бўлган. Биринчи қисм (мақола) да Абдуллахоннинг

¹ XVI асрнинг 40 – йилларида Чигатой улуси икки қисмга бўлинган. Унинг Еттисув, Чу водийси ва Қошгарни ўз ичига олган шарқий – шимолий қисми шу вақтдан бошлаб тарихда Мўғилистон деб юритилган.

тариҳи, иккинчи мақолада эса хоннинг олижаноб фазилатлари, унинг даврида яшаган шайхлар, вазирлар, олим ва шоирларнинг тавсифини баён қилмоқчи бўлган.¹

Лекин асарнинг иккинчи қисми ёзилмай қолган. Фикримизча, Абдуллахон вафотидан кейинроқ мамлакатда бошланган ур – йиқитлар асарни тамомлашга имкон бермаган.

Маълумки, отаси ўрнига тахтга чиққан Абдулмўмин Султон (1598 йил) мамлакатни қатоғон қилди, отасига яқин ва содиқ кишиларни ўлдирди, кўпларини эса қувғин остига олди. “Тарихий Муқимхоний” асарининг муаллифи Мухаммад Юсуф мунший унинг тахтга чиқишини ҳеч ким истамаганлигини, лекин жоҳиллигидан қўрқибгина уни тахтга ўтқазганликларини айтади. Яна шу муаллифнинг ёзишича, Абдулмўмин мамлакатдаги барча машхур кишиларни ўлдиришга қасд қилган, хатто ўз қариндошларини ҳам қонини тўқди. Бу жихатдан Абдуллахоннинг эмишган иниси ва унинг энг яқин кишиларидан бўлган Қулбобо кўкалдошнинг сўнги тақдири диққатга сазовордир. У ҳам Абдулмўмин ўтқазган қатоғоннинг қурбони бўлди, яъни 1598 йилда унинг буйруғи билан қатл этилди. Қулбобо кўклдош ўқимишли ва маданиятли киши бўлиб, фозил кишилар ва шоирларга хомийлик қилган эди. У қатл этилгач бу олим ва шоирлар, шулар қаторида унинг энг яқин кишиларидан бири бўлган Ҳофиз Таниш Бухорий ҳам кўркиб, бошқа томонларга қочиб кетишга мажбур бўлганлар.

Асарнинг қиммати шундаки, муаллиф кўп воқеаларни унинг гувоҳи бўлган кишилар оғзидан ёзиб олган, кўпларига ўзи шоҳид бўлган.

“Абдулланома” нинг ёзила бошлаган ва тамомланган йили хақида ҳам турлича фикрлар мавжуд. Л. А. Зимин асарининг тамом ёзиб бўлинган йили деб хижрий 996 / 1587 – 1588 йилни олади. Муқадимада келтирилган қўйидаги манзум тарих асарнинг ёзилган йилини очиқ кўрсатади:

Ин “Шарафнома” кеш аз ғояти ташрифи қабул,

Шараф аз номи шаҳаншоҳ фалак қадар фузуд.

¹ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., 1999. Б – 3.

Че ажаб, к – аз пайвастани тариху номаш

Хомайи таҳрир “Шарафномайи шоҳий” фармуд.¹

Таржимаси:

Бу шундай “Шарафнома” ки, (ҳаммага) ғоят мақбул бўлганидан, Фалак қадар (улуғ) шаҳаншоҳ (Абдуллахон) номидек шараф ортириди. Не таажжубки, унинг тамом бўлиши тарихи ва номини Тахрир қалами “Шарафномайи шоҳий” деб атади.

Бу ерда “Шарафномайи шоҳий” сўзларидағи ҳарфлар ҳижрий 992 / 1584 йилни келтириб чиқаради. Лекин асар 996 / 1587 88 ва ундан кейинги йиллардаги воқеаларни ҳам ўз ичига олган. Шунинг учун ҳам “Абдулланома” 1005 / 1596 ёки ундан кейинги йилларда тамомланган деб айтиш мумкин.

Асарнинг муаллифи Бухоролик машҳур шоир ва муарриҳ Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад ал – Бухорийдир. Унинг ҳаёти ва илмий адабий фаолиятига оид маълумотлар ҳам Ҳофиз Таниш Бухорий ҳам “Наҳлий” ва “Киромий” таҳаллуслари билан ҳам машҳурдир. У асли Бухоролик бўлиб, илмнинг кўп соҳаларини эгаллаган ва замонасининг етук олимларидан бўлган.

Айрим қисқа маълумотлар “Абдулланома” муқаддимасида ва баъзи тазкираларда учрайди. Ана шу маълумотларга қараганда, Ҳофиз Таниш Бухорий ва унинг отаси Мир Муҳаммад Шайбоний хукмдорларига яқин одам бўлишган. Масалан, отаси Мавлоно Мир Муҳаммад, нақшбандия тариқатининг намоёндаларидан бири йирик олим Махдуми Аъзам Косоний (Хожа Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний: 1462 - 1542) нинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган “Жомеъ ул мақомат” да ёзишича Шайбоний Убайдуллахон (1534 - 1539) саройида хизматда бўлган.

XVI асрнинг 50 йиллари бошида Қошғарга кетиб қолган ва орадан икки йил ўтиб, ўша юртда қазо қилган. Ҳофиз Таниш Бухорий 1583 йили Абдуллахон II нинг хизматига кирган ва умрининг охиригача шу хоннинг хузурида воқеанавис бўлиб хизмат қилган. Олимнинг туғилган йилини баъзи

¹ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., 1999. Б – 4.

фактларга таяниб аниқласа бўлади, лекин вафот этган йилни аниқлаб бўлмайди.¹

“Шарафномайи шохий” да мана буларни ўқиймиз: ... Абдулғозий Абдулла Баҳодирхон, тангри таоло унинг подшоҳлигини, салтанатини абадий қилиб, фарқадан² ҳам баланд қилсин, Мовароуннаҳр мамлакатини зўр билан ўзига бўйсндириди ва Шарқ қуёшидек адолат ва инсонпарварлик соясини ўша мамлакатнинг илм аҳллари бошига туширди. Фахрланишга муносиб Бухоро шаҳарини халифалик таҳтининг оромгоҳига айлантириди...

Ўша пайтда фақиру хақирнинг ёши ўттиз олтида эди. Маълумки, Абдуллахон Бухорони 1557 йили эгаллаган. Лекин Мовароуннаҳр фақат XVI асрнинг 80 – йиллари бошидабатомом Абдуллахон қўлига ўтган. Бунга қараганда, Ҳофиз Таниш Бухорий Абдуллахоннинг хизматига у отаси ўрнига таҳтга ўтқазилган йили – 1583 йили хоннинг яқин кишиси Қулбобо қўкалдошнинг воситачилиги билан кирган.

Агар ўша пайтда 36 ёшда бўлса, унда Ҳофиз Таниш 1547 йили туғилган бўлиб чиқади.³

Ҳофиз Танишнинг қачон вафот этгани маълум эмас. Машҳур адабиётшунос олим ва шоир Мутрибийнинг “Тазкилат уш – шуаро”асарида “Жаноби Ҳофиз Таниш улому жумласидандир. У Мақдуми Хасан Хотамнинг тазкирасида ҳам тилга олинади.

Юқорида зикр этилган Ҳофизнинг оға – инилари унинг вафотидан сўнг хотинини қандайдир жиноят қилганликда айблаб унга давогар бўлганлар ва олий фармонга кўра, унинг Бухоро минорасидан ташлаб юборишишга эришганлар, деган миш – мишлар бор” деб ёзган. Бундан чиқадики, Мутрибий тазкирасини ёзиб томомлаган йили (1604 йил) Ҳофиз Таниш ҳаёт бўлмаган.⁴

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., “Ўқитувчи”, 1994. Б – 389.

² Фарқадан – шимолий қутб яқинидаги икки юлдуз.

³ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар... Б – 389 – 390.

⁴ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., “Ўқитувчи”, 1994. Б – 389 – 390.

Ҳофиз Таниш Бухорий оғир бир замонда яъни Мовароуннахрда феодал тарқоқлик кучайган, Абдуллахон II нинг мамлакатни бирлаштириш ва марказий давлат аппаратини мустаҳкамлаш учун тинимсиз уришлар олиб борган бир замонда ҳаёт кечирди. Олим буни қуида келтирилган ибораларда ифодалайди.

“Ҳар тарафдан тескари шамол эсади. Ҳар бурчакдан фитна гарди осмонга кўтарилади. Соғу – саломатлик анқодек¹ махфийлик пардаси остига яширинган эди. Тинчлик ва хотиржамлик кибрити ахмар² ва ақлу – хунарнинг ривожкоридек қўринмай кетганди. Омонлик ва тўғрилик жаҳондан нафратланиб, интизом ҳам жамият юлдузлари тўдасигина чекланиб қолганди”.³

Шуни ҳам айтиш керакки. Ҳофиз Таниш Бухорий, замон тақозосига кўра асарда маълум даражада хукмрон синфнинг мақсад ва манфаатларини ифода қилишга харакат қилган, хон ва унинг атрофидаги аслзодалар, бойлар ва тугёнларни кўкларга кўтариб мақтаган. Мехнаткаш халқнинг хол – ахволи бўлса, кўп ўринларда сояда қолган. Лекин асар фактик материалларга бой, воқеалар озми – кўпми объектив ёритилган, айрим ўринларда хонлар, сultonлар ва амирларнинг баъзи хислат ва характеристи ҳам очиб берилган. Масалан, Абдуллахоннинг бобоси Жонибек Султон хақида гапирап экан, уни мумин мусулмон, динпарвар ва одил бир киши сифатида таърифлайди: “У шундай динпаноҳки, – деб ёзади Ҳофиз Таниш Бухорий, дин хукмронини танқид қилиш ва Сайид Мурсалиннинг (хазрати пайғамбаримизнинг) шаръий амр – фармонларини мўмин – мусулмонларга етказиш ишини тўла бажо келтиради. Хукумат ва сиёsat ишларини қувватлаш ва ижро этишда ошиқмас эди. Лекин жаҳли чиқсан пайтларда ихтиёрий ишлади, унинг ғайрат ва ғурур қўлидан тушарди: лекин тойилувчиларнинг хатолари устия авфу каромат этагини ёпарди”.⁴

¹ Анқо – номи бор, лекин ўзи йўқ бир афсонавий қушнинг номи.

² Кибрити ахмар – қизил олтингугурт – иксир.

³ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., 1999. Б – 38.

⁴ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., 1999. Б – 63.

Муҳими шундаки, олим тожу – тахт соҳибларининг адлу – инсофга чақиради: “Бу дунё ўтиб кетувчи соядир, чунки соя гоҳ олдинда, гоҳ орқада бўлади. Имконияти борида одамларга яхшилик қил, билгинки ҳамма вақт ҳам бунга имкон бўлавермайди. Жаҳонда агар бир захира талаб қилсанг, яхши ном энг яхши захирадир”.¹

Хуллас, “Шарафномайи шоҳий” (“Абдулланома”) йирик шоҳ асар бўлиб, уни Жувайнийнинг “Тарихи Жохонкушойи” ва Рашидиддиннинг “Жомеъ ут - таворих” асарлари қаторига қўйса арзийди. Йирик шарқшунос олим В.В.Вельяминов – Зернов жуда тўғри айтганидай, “Абдулланома” устида қанча кўп ишласанг унда ўрганиш лозим бўлган шунча кўп фактлар очилади. Шунинг учун ҳам бу асар кўп вақтлардан бери шарқшунос олимларнинг диққат – эътиборини ўзига тортиб келаётир. Ўз вақтида асар кўп вақтлардан бери шарқшунос олимларнинг диққат эътиборида турган асар хақида В.В.Вельяминов – Зернов, академик В. В. Бартольднинг шогирди Л.А. Зимин, Содиқ Мирзаев, М. А. Салохиддинов, Н. Сайдиев, инглиз олимлари Г. Эте, Ч. А. Сторшар ўз фикрларини айтиб ўтишган. В.В.Вельяминов – Зернов, Л.А. Зимин, Содиқ Мирзаев, М. А. Салохиддиновлар асарнинг бир қисмини рус ва ўзбек тилларига таржима ҳам қилган эдилар. В.В.Вельяминов – Зернов таржимаси (у асарни жуда оз қисмини ташкил этган) чоп этилмаган. Л.А. Умняковнинг сўзига қараганда 1918 йили қисман Тошкентда чоп этилган, лекин олимнинг тез орада Ўзбекистондан кетиб қолиши натижасида бу иши тўхтаб қолган. В. В. Бартольд 1924 йили Л.А. Зиминнинг таржимасида “Абдулланома” хақидаги материалларни кўплаб нашр қилиш зарурлигини айтган эди. Афсуски, бу иш ҳам амалга оширилмади. Содиқ Мирзаев ва М. А. Салохиддинов асарнинг тўртдан бир қисмини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб улгурдилар, улар томонидан фақат I – II жилдларгина чоп этилди, холос.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг маънавий меъросга бўлган эътиборнинг кучайиши натижасида аждодларимиз қолдирган тарихий

¹ Ўша асар ... 1 – жилд. Б – 48.

асарларни қайта нашр этилиши муносабати билан Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асарини Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти халқаро Амир Темур ҳайрия жамғармаси билан хамкорликда тўлиқ икки жилд, тўрт қисмда 1999 иили “Шарқ” нашриёти – матбаа концерни томонидан нашр қилдилар.

“Абдулланома” саж (қофиялашган) билан ёзилган, тил ва услуби бир мунча оғир. Олим турли ўхшатишлар ва истиоралардан кенг фойдаланган. Бир икки мисол келтирамиз: “Юнусхон содиклик илини тузиб, уни ўзига боғлади” (уйланди демоқчи),... боғу роғ саҳни етти хил ранглик либос кийиб, тоғу саҳронинг сирти чиний нақшли хонанинг рашилини келтирадиган бўлганда ... (эрта баҳорда)” ... унинг буюклик ва улуғлик офтоби ... ўзининг маҳфий пардасига яширинди: умид ва орзулари фалокат офтобининг шаҳодат мағрибиға ботди (ўлди демоқчи)¹. Бундан ташқари асарда оят, хадис, турли араб иборалари (мақоллари) ҳам кўп. Ҳофизи Таниш ҳамма жойда воқеаларни наср ва назм билан берган. Шеърлар (тўртликлар, маснавийлар, қитъалар, марсиялар) нинг кўпчилиги муаллифнинг қаламига мансуб бўлиб, зўр маҳорат билан ёзилган. Баъзилари бошқа шоирлар, хусусан Мушфиқийга тегишлидир.

Муаллиф асарни ёзишда хон саройида юритилган маҳсус кундаликлар, ишончли ва воқеалар шоҳиди бўлган кишилар оғзидан ёзиб олинган маълумотлардан фойдаланган. Бир – икки мисол: У 1551 / 52 йили Абдуллахон билан Наврӯз Аҳмадхон (Бароқхон) ўрталарида Косон (Қашқадарёга қарашли Косон) ёнида бўлган уруш тафсилотини баён этаркан, уни “ўша воқеа тепасида бўлган ва уни ўз кўзи билан кўрган бир гуруҳ одамлардан эшитдим”, деб ёзади. Яна ўша Абдуллахонни Наврӯз Аҳмадхоннинг ўғли Дустим Султон билан Фароб² ёнида 1554 йили қилган уруш тафсилоти ҳам ўша уруш қатнашчиларининг маълумотига асосланган. Ҳофиз Танишнинг ахборотчилари кўпроқ кекса ва хоннинг яқин кишилари

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., “Ўқитувчи”, 1994. Б – 391.

² Фароб – Жайхуннинг ўнг соҳилида, Чоржўй рўпарасида жойлашган ўрта аср шаҳри.

бўлган: “Ушбу сатрлар муаллифи ул хазратнинг (Абдуллахоннинг) эски паҳлавонлардан бўлган мулла Келдишдан шуни (ҳам) эшигтан эдим – ки...” Асарда баён этилган қўп воқеалар муаллифнинг иштирок этган ва ўз кўзи билан кўрган воқеалардир. Манбаларнинг бу қадар ишончли бўлиши шубҳасиз, асарнинг қимматини оширган.

Асар муқаддима ва икки қисмдан иборат, асарнинг иккинчи талқинида ҳар иккала қисм (мақола) кўшиб юборилган.

Муқаддимада Абдуллахоннинг наслу – насли, унинг замонидаги йирик руҳонийлардан Ҳожа Муҳаммад Исломга муридлиги, Чингизхон, Жўчихон, Муҳаммад Шайбонийхон хақида шунингдек, Мовароуннаҳрнинг XV аср охири ва XVI аср бошларидағи ижтимоий – сиёсий аҳволи хақида қисқа маълумотлар келтирилади.

Биринчи мақола Мовароуннаҳр, Жанубий Туркистон (ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисми) ва Хурсонда 1557 – 1583 йиллар орасида бўлиб ўтган воқеалар, яъни Абдуллахон II давлатининг зухуридан то Абдуллахон II нинг хонлик мансабига ўлтириши ва ўз номига хутба ўқитиб, пул зарб этишигача кечган катта даврни ўз ичига олади. Маълумки, бу давр ичида Абдуллахон II ўзаро феодал урушлар орқасида майда – майда қисмларга бўлинниб кетган Мовароуннаҳрнинг ўз қўл остига бирлаштириб, марказий давлат тузиб олишга муваффақ бўлди.

Иккинчи мақола 1583 – 1588 йиллар, яъни Абдуллахон II нинг тахтга ўтиришидан то Хиротни узоқ муддат давом этган қамалдан сўнг Шайбонийлар қўшини томонидан фатҳ этишигача бўлган даврни ўз ичига олган. Шу давр ичида кечган тарихий воқеалар батафсил ва атрофлича баён этилган.

Асарда тарихий воқеалар баёни билан бир қаторда Бухоро хонлигининг ижтимоий – иқтисодий аҳволи, маданий ҳаёти, Шайбонийлар давлати ва қўшинининг тузилиши, Бухоро хонлигининг Эрон, Туркия, Хиндистон, Шарқий Туркистон ва Россия давлатлари билан олиб борган сиёсий ва савдо алоқалари хақида қимматли маълумотлар келтирилган.

“Шарафномайи шоҳий” нинг қўлёзма нусхалари мамлакатимиз ва чет элдаги шарқ қўлёзмалари сақланаётган бир талай кутубхоналарда мавжуд.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида унинг икки нусхаси мавжуд. Булардан бири (ИНВ № 2207, 356 варак, хати настаълик) XVI асрда кучирилган, иккинчиси (ИНВ № 3781 / ИИ, 167 варак, хати настаълик) эса қисқартириб таҳрир қилинган нусхаси бўлиб, XIX асрда кучирилган ва “Абдулланома”, баъзан эса “Зафарномайи Абдуллахон” деб аталган.

Санкт – Петербургда бу асарнинг учта нусхаси мавжуд бўлиб, бири Россия Фанлар Академияси Осиё халқлари институтининг Санкт – Петербург бўлимида (Д – 88, 495 варак, хати настаълик) с ақланмоқда. Бу эса, қўлёзмалар муфассалидир. Лекин унинг ким томонидан кўчирилганлиги ва қачон кўчирилган вақти кўрсатилмаган. Шу институтнинг илмий ходими М.А.Салоҳиддинованинг фикрича, у 1065 / 1654 – 55 йилга қадар кўчирилган. Лекин, мана шу қўлёзмадаги айрим белгиларга қараб, у бундан анча илгари, таҳминан 20 – 25 йил бурун кўчирилганини аниқлаш мумкин. М.Е.Салтиков – Шедрин номли халқ кутубхонасида (Санкт - Петербург) асарнинг қисқартириб таҳрир этилган яна бир нусхаси (ПНС – 205, 350 варак) бор. Лекин бу қисқартириш жуда кўп хадис ва оятлар, шунингдек айрим шеърлар ҳисобига бўлган. Ундан ташқари, Жўйборий хожалардан Хожа Муҳаммад Ислом¹ хақидаги айрим қисмлар ҳам тушириб қолдирилган. Бу нусха хижрий 1241 йилнинг рамазон ойи (мелодий 1826 йил апрелда) Душанба қўргонида² кўчирилган. Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган яна бир нусха (В – 689, 101 варак) “мақолайи дуввум аз “Шарафномайи шоҳий” деб аталган ва муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган бўлиши эҳтимол. Бу китобнинг тугатибоқ иккинчи

¹ Хожа Муҳаммад Ислом – ўша замонда Мовароуннахрнинг сиёсий хаётида катта роль ўйнаган нуфузли шайх ва феодал. Унинг Бухоро, Миёнкол, Насаф (Карши), Қоракўл ва Марв вилоятларида 300 жуфт гов (1500 танобга яқин ёки 2500 гектар) серунум ери, 20000 бош кўйи, 700 бош оти, 500 та туси бўлган. Бундан ташқари, унинг қўлида 30 та қули ва 104 та савдо дўкони, хар – хил корхона ва устахоналари, тегирмонлари ҳам бўлган. (Қаранг: Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. Т., “Шарқ”, 1999. Б – 363.)

² Душанба қўргони – ҳозирги Душанбе шаҳри ўрнидаги қишлоқ ёки қалъа бўлса керак.

қисмини ёзишга киришганлигини айтади. Лекин бу асар муқаддиманинг кенгайтирилган варианти бўлиб, унда асосан, илгари ўтган халқлар тўғрисидаги тарихий асарларни тузилишлари баён қилинади.¹

“Шарафномайи шоҳий” нинг Боку ва Душанбеда сақланаётган нусхалари ҳам муфассалдир.

Тожикистон Фанлар Академияси Шарқ қўлёзмалари бўлимида ҳам бу асарнинг бир неча нусхаси сақланмоқда. Булардан фақат биттасигина тўла бўлиб, қолганлари асарнинг қисқа вариантларидир.

“Абдулланома” нинг нусхалари Британия музейи (Англия) ва Эронда ҳам борлиги маълум, Британия музейидаги нусха ҳам Боку, Душанбе ва Санкт – Петербургдаги нусхалардек мукаммал бўлиб, хижрий 1236 йилнинг жумадул аввал ойи (милодий 1824 йили 22 январь) да қатағон қабиласидан бўлган Мирза Қўшмуҳаммад ибн Тошмуҳаммадбий томонидан кўчирилган. Асарнинг Эрондаги иккита нусхаси (XVIII асрда кўчирилган) тўлиқ эмасдир.

“Абдулланома” тарихий асар бўлиши билан бирга, XV – XVI асрларга хос бадиий асар ҳамдир.

Хофиз Таниш Бухорийнинг бу шоҳ асари Марказий Осиёning ўрта асрлардаги сиёсий ҳаётини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

“Абдулланома” нинг тарихий манба сифатида афзаллиги шундаки, у асосий тарихий воқеаларни объектив ёритиб берган.

Абдуллахон вафотидан сўнг XVI – XIX асрларда умуммиллий манфаатлар ўрнига тор ва чекланган, шахсий ва сулолавий манфаатларининг устун қўйилиши, жамият ҳаётида маънавий – аҳлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш ва илм – маърифатни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмагани ўзбек давлатчилигининг яна бир бор тугатилишига олиб келди.²

¹ Хофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б – 6.

² Миллий истиқол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар. Т., “Янги аср авлоди”, 2001. Б – 14.

2. Мовароуннаҳрнинг XVI асрдаги ижтимоий – сиёсий тарихини ёритилиши ва туркий қабилалар таснифи.

“Абдулланома” да тарихий воқеалар баёни билан бир қаторда ўша даврда Мовароуннаҳрдаги Бухоро хонлигининг ижтимоий – иқтисодий аҳволи, маданий ҳаёти, давлат ва қўшиннинг тузилиши, Бухоро хонлигининг Эрон, Туркия, Хиндистон, Шарқий Туркистон ва Руссия давлатлари билан олиб борган сиёсий ва савдо алоқалари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

Хонликнинг ижтимоий – иқтисодий аҳволи борасида келтирилган маълумотлар орасида “иктоъ”¹, “танҳо”², “суюргол”³ ва “жогир” феодал улус тартиби ва унинг ижтимоий – сиёсий ҳаётидаги моҳияти ва ўрни, аҳолидан йиғиладиган тарли – туман солиқ ва жарималар: хирож (мол), ихрожат, тағор, тансуқот⁴, қўналға, бегор, мадади, лашкар, боис, тамға, тухфа (совғот, тортиқ, ҳадя) улуфа⁵ ва бошқалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Масалан, Абдуллахоннинг баъзи биродарлари ва авлодига суюргол қилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак, мана буларни асарда ўқиймиз:

“... Муносиби шулки, Тошкентни жамий тобе ерлари билан, Абдулқудус Султонга беришса, чунки у машақатни забт қилиш уддасидан чиқади: Ҳар қандай кенг бўлса ҳам, етук фарзандлари бор, умрларини бандалар тинчлик ва шаҳарларни обод қилишга сарф қилдилар. Қуръондаги “Фарзандларимизни икром қилингиз” ояти мазмунига мувофик, ислом қуббаси Балхни саодатманд фарзанди Абулфатҳ Абдулмўмин султонга

¹ Иктоъ – Ўрта асрда Шарқда кенг тарқалган хусусий ер эгалигининг бир тури бўлиб, давлат олдида кўрсатган хизматлари учун феодалларга, кўпинча ҳарбий бошликларга берилган ер – сув, бундай кишилар иктадор дейилган.

² Танҳо – суюрголнинг бир кўриниши бўлиб, агар инъом (кўл, молу – мулк, ер - сув) фақат ҳарбийларга берилса “танҳо” деб аталган.

³ Суюргол – Олий хукмдор (подшоҳ, хон ва султонлар) томонидан шаҳзодаларга ва давлат олдида кўрсатган хизматлари учун амир ва руҳонийлага бериладиган инъом (кўл, молу – мулк, ер - сув). Суюргол – наслий бўлиб, уни олган шахсга тўла хокимлик ҳам берилган, суюргол XIV – XV асрда Олтин Ўрдада, Яқин ва Ўрта Шарқда ҳамда Ўрта Осиёда кенг тарқалган эди.

⁴ Тансуқот – ҳадя, инъом, хон ва подшоҳларга қилинадиган инъомлардан бири.

⁵ Улуфа – аскар ва унинг от – улови учун ажратилган озиқ – овқат, ем – хашак.

суюрғол қилиш керак, чунки харчанд йигитлик аввалида ва ёшлик даврида бўлса ҳам шамойилида раъийятларин ва адолату – дўстлик нишоналари сезилади. Фарғона хукуматини азиз фарзандимиз Исфандиёр Султонга топшириш муносибдир. Мўмин Султонни эса Шаҳрисабзга келтириб, ундан хотирини жамъ қилинса”.¹

Яна Абдуллахон ўз юришлари даврида, яъни Насаф (ҳозирги Қарши худудига тўғри келади) ни босиб олганидан сўнг қуидагиларни асарда учратамиз: “... касби вилояти устида истило байроғини кўтаргандан кейин Насаф қишлоқларидан баъзисини зафарлар лашкарига танҳо қилиб берди”.²

Шунингдек асардаги ҳарбий феодал задогонлар ҳаётида катта ўрин тутган ҳарбий ўлжа хақидаги маълумотлар ҳам алоҳида қимматга эгадир. Қўшни юртлар ва халқлар устига тез – тез уюштириб туриладиган урушлар ва бундай урушларнинг феодал жамиятда тутган ўрни хақидаги маълумотлар ҳам мухимдир.

Асарда хонлар, йирик феодаллар тарафидан Жиззах, Насаф, Ҳисори, Шодмон ва Жайхун (Амударё) нинг сўл қирғоғидаги вилоятлардаги қўриқ ерларнинг маҳаллий аҳолини сафарбар қилиш йўли билан (мардикор ишлатиш йўли билан) ўзлаштирилиши, шаҳар сув омборлари, сардобаларқурилиши хақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Масалан, Бухоро шаҳридаги қурилишлар хақида қуидагиларни ёзади:

“... Айниқса ул ҳазрат Абдуллахон замонида ва шу кунларда, яъни тўққиз юз тўқсон учунчи йилда³ унинг ободончилиги кундан – кунга ортмоқда. “Одамлар ўз подшоҳларининг динида бўладилар” (мақолининг) тақозасича, аркону давлатдан ҳар бири Бухорода ул ҳазрат Абдуллахонга мувофиқ қилиб қўп олиб бинолар: масжидлар, работ ва кўприклар ҳамда ҳавузлар бино қилдилар. Олимлар, зоҳидлар, тақводорлар ва

¹ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 2 – жилд. Т., “Шарқ”, 2000. Б – 111.

² Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б – 106.

³ Хижрий 993 йил – мелодий 1583 йилга тўғри келади.

диёнатчиларнинг маошлари учун экинзорлар, обод жойларни вакф қилдилар”¹.

Шунингдек, Абдуллахонга таъсири кучли бўлган Жойборий шайхларнинг улуғлуридан бири Абубакр Саъдга атаб қилган қурилишлар хақида қўйидагиларни ўқиймиз:

“... Абдуллахон вилоятмаоб, ҳидоятини Хожа Жўйборий таҳаллуси билан машҳур бўлган ҳазрат Борийнинг назарига манзур бўлган Хожа Муҳаммад Ислом жанобларига нисбатан ғоятда зўр истак, ихлос ва эътиқоди бўлганидан, у халқ муқтадосининг улуғ боболари бўлган эшон Абубакр Саъдинг² нурлари файзлик мозори хонақоҳ, масжид, мадраса сингари олий бинолар қуриб, унинг атрофини ажиб ва зебо боғу – бўстонлар билан безаш ҳаёлинни кўниш саҳифаларида ёзган эди. Шунинг учун ҳам тарих тўққиз юз олмиш олтида (1588 – 1589 йиллар) тажрибали муҳандислар, синчиклаб текширучи файласуфлар вақт тожини аниқлаб бино вақтини белгиладилар”.

Доно меъморлар ва забардаст бинокорлар яъни баҳт толеида ва шу кутли замонда жаннатга ўхшаган олий биноларни қурдилар, ҳар куни эрталаб ер куррасининг меъмори бўлган қуёш ер юзидағи мамлакатларни обод қилмоқ учун фалаклар деворига қадам кўйганда, устод, хунарманд ва мардикорлардан ҳар бири ўз ишида чаққонлик ва маҳорат кўрсатар эди. Офтобнинг олтин палласи ғарб уфқига ўрнашаркан, ёлланганларнинг ҳақ тарозуларининг паллалари, ҳар бирининг орзуларига мувофиқ тўлғизиларди, ҳар бири қилган ишларидан рози ва мамнун бўлиб, ўз уйларига қайтардилар.³ Йиллар, ойлар ва кунлар ўтиб, андак замонда, тахминан ўн йил ичида шундай бир муҳташам бино Искандарфаржом шаҳриёрнинг зўр аҳамият бериш билан қурилиб битдики, унинг каримлар химматининг фазоси каби кенг саҳнини турли мевали дараҳтлар билан безатдила. Унинг ўртасига ғоят тоза ва

¹ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б – 154.

² Имом Абубакр Саъд – Самонийлар давлатида ўтган нуфузли руҳоний: 360 / 970 йили вафот этган ва Бухоронинг ғарбий томонида, шаҳардан 5 – 6 км масофада жойлашган Сумитон қишлоғида дағн этилган.

³ Феодал жамиятда қурилиш ишларидан иштирок этган ҳар бир кишига “орзуларига мувофиқ” ҳақ тўланиши ҳақиқатдан йироқдир. У хунармандлар, иш бошларига маълум бир ҳақ тўлангани холда оддий ишчилар (мардикор) га ҳақ тўланмас, фақат овқат бериларди холос.

тиниқликда офтоб чашмаси каби ярақлаган, Кавсар мисол ҳовуз ҳам курдилар. Тўғриси, у шундай олий бино бўлдики, андиша мухандиси хеч қандай муболағасиз ва лофсиз у баланд бинонинг суръатини чизишдан, табиат наққоши бу кенг мавзуларнинг мисолларини тасвир қилишдан ожизлик қилди.

У кўнгил очадиган бинолардан хар бири баланд, пештоқларни ва кенг равоқларни, ўз ичига олиб, қутли асар усталар, моҳир наққошлар уларнинг юзига олтин ва ҳал билан ажиб нақишлиар ва суръатлар солиб безаганлар: уни бениҳоят латиф ва зебо қилиб, турлича такаллуфлар билан кошигарлик¹ қилганлар.²

Шунингдек, асарда хунармандчиликнинг умумий аҳволи хақида ҳам кўп маълумотлар учратамиз.

Асарда Шайбонийлар давлатининг тузилиши хақида ҳам муҳим маълумотларни учратиш мумкин. Масалан, Марказий давлат аппарати – девонлари ва турли – туман мансабдорлар; оталиқ, нақиб³, вазири аъзам, вазир, девобеги, мушриф, хазиначи, шифовул, эшик оғабоши, парвоначи, садр⁴, мироҳўр, чухра оғаси, тавочи, жарчи, мунший⁵, туғбеги, қурчибоши, баковул, фаррош кабилар ва уларнинг жамиятда тутганўрни, хуқуқ ва вазифалари хақида диққатга молик маълумотларни учратамиз.

Шунингдек асарда Шайбонийлар давлатининг харбий қўшинлар хақида келтирилган маълумотларга қараганда отлиқ ва пиёда аскарлар, шунингдек ўзига хос замбараклар (нафтандозлар, манжаниқчилар, тош отувчилар) дан ташкил топган. Унинг асосий қисмини лашкар, яъни хар бир юриш олдидан вилоятлардан тўпланадиган аскарлар ташкил этганлар. Аскарлар асосан, ўқ – ёй, найза, қилич, гурзи ва нарвонлар билан қуролланган. XVI аср ўрталарига

¹ Кош – бинонинг деворига қадаладиган нақшли шиша; фарфор. Кошигарлик – ана шундай ишнинг бажариш.

² Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б – 157.

³ Накиб – хонга яқин турган мансабдор. XVI – XVIII асрларда қози аскар, яъни харбий судья. Бу лавозимга одатда сайидлардан ва хожалардан тайинланган.

⁴ Садр – вақфлар иши билан шуғилланувчи амалдор.

⁵ Мунший – иншо қилувчи, котиб, мураббий ўқитувчи; иншо девонининг хизматчиси, муншийларнинг оддий котиблардан фарқи шундаки, улар олим ва фозил кишилар бўлган ва подшоҳ, хонларнинг мактуб ва фармонларини ёзганлар, умуман ижодий меҳнат билан машғул бўлганлар.

келиб Шайбонийлар қўшинида асосан хорижий мамлакатлардан келтирилган пилта милтиқлар ва кичик замбараклар пайдо бўлди. Масалан, асарда қуидагиларни ўқиймиз: Абдуллахон қўшинини Манқит¹ томон юриши хақида “ Абдуллахон хукм қилди; Зинҳор қундуз куни харакат қилмай, кечаси юрсинлар ва мутлақ олов ёқмасинлар, ўзларида бу аҳвол душманга маълум бўлиб, қочиб кетсалар, мақсад қўлга келмай, қайтиш тўғри келадиган иш бўлмасин”. Зафарпаноҳ сипоҳ икки минг отлик қаҳрамонлар билан илғор тариқасида йўналдилар. Душманлар аҳволидан хабар топмоқ учун эҳтиёт йўл босиб, Жигдалик²га етдилар. Улардан хабар келтириш учун бир тўда кишиларни олдинга юборган эдилар. Лашкар қоровулига хазрат Султонзода Абдулфатҳ Абдулмўмин Султон чухра³ларига қўшилган Нозик ўғлон бошчилигига эди. (Нозик ўғлон бош бўлиб) у бир гурӯхга бош бўлиб, душманга орқасидан кетган эди. Нозик ўғлон бош бўлган қоровуллар⁴ душманга етишдилар ва мағлуб бўлиб чекиндилар …”, Яна ўша воқеалар баёнида қуидагиларни ёзади; “... эртасига хон буюрди, Раъд отквчилар, манжаниқсозлар уруш оловини алангага келтириб, қозон тўпларни қаъага тўғри қилиб уни ҳароб қилиш ва душманларни қўрқитиш учун тош отсинлар”. Ўша куни устоз руҳийдан кейин тўп бошлиғи мақсадила етишган Мирак тўпчибоши ҳам олов ва туфон андозалари билан қалъанинг бино, уй ва деворларини вайрон қилдилар⁵.

Яна Сарбон қалъаси қамали тўғрисидаги воқеаларда харбийлар ҳақида қуидагилар келтирилган; “... Олийнасаб Шахриёрнинг ўзи қаҳру ғазабдан отга миниб, қалъа атрофидан қуёш каби айланди ва уруш жойларини тайин қилди, сўнг қутли хукм бўлди: “Аскарлар кўп нардбонлар ва тура⁶лар таёrlаб, урушга ҳозир бўлсинлар. Ҳар ким ўзига тегишли жамоада ўз

¹ Манқит – манқит улуси томон ўрта асрларда бу улус Эмба билан Тобол дарёлари оралиғида худуд.

² Жигдалик – бу мавзе Саброн (Саврон) нинг ғарбий – шимолий тарафида, Қоратаунинг жанубий ён бағрида, Оқсумбадан бир кунлик масофада бўлган.

³ Чухра – аслзода, юқори табақадан чиққан ёш йигит, бундай йигитлардан хон гвардияси тузилар эди.

⁴ Коравул – қўшиннинг (авангарди) олдида борадиган қисм. “Коравулнинг асосий вазифаси деб ёзган эди профессор А.Ю.Якубовский – қўриқчилик хизматини ўташ, харакатдаги қўшиннинг олд томонида нималар бўлаётганини тўхтовсиз кузатиб, бундан (хон ёки подишоҳни) хабардор қилиб туришдан иборат”.

⁵ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. II – жилд. Т., “Шарқ”, 2000. Б – 82.

⁶ Тура – уруш қуроли, одам бўйи баровар қилиб ясалган қолқон.

мурчилида довул овозига қулоқ солиб турсинлар. Қачонки довул овози эшитилса, тўхтовсиз совут ва хуфтон этагини белга боғлаб, ҳиммат қўлини қалъа камарига қўйисинлар ва тасхир камандини қунгира тепасига ташласинлар”. Қалъа ва шаҳарларни кундуз куни очиш ғоятда қийин эди. Шунинг учун ҳам хон хукм қилдики: “ Зафарнишон Абдулмўмин султон мурчилида тешик кавлаб ва уни хандақдан ўтказиб девор остига етказиб, ўша тешикни нафт (нефт) билан ва ўтиндан тўлдириб, аввал ўшанға ўт қўйисинлар. Қорағозий ва жаҳонгир қазонларга олов берсинлар. Тўп, тўфанг, аррода ва занбаракларга ҳам олов берсинлар, токи тутунлари фалак авжига ва осмон қалъаси тепасига чиқсин. Замона қора кийим кийиб, оламни қоронғулик боссин. Шу вақтда қахрамонлар уруш оловига шуъла бериб, қалъани очишга эҳтимом қилсинлар”.¹

Асарда мамлакатда XVI асрда, айниқса, унинг иккинчи ярмидан бошлаб илм – фан ва маданият ҳам бир қадар ривожланганлигини кўрсатувчи маълумотлар бор. Фан ва маданият айниқса, хонлик пойтахти бўлмиш Бухорда равнақ топди. Биринчидан, Абдуллахон даврида шаҳар атрофидаги ундан таҳминан бир фарсаҳ (6 – 7 км) масофада бўлган Сумитон (Жўйбор) қишлоғини ҳам шаҳарга қўшиб, унинг жануби – ғарбий тарафида янги девор олинди. Ана ўша Сумитонда биз аввалда тўхталиб ўтган Жўйбор ҳожаларининг бобоколони Абубакр Саъд мақбараси атрофига қурилган масжид, мадрасадаги илм аҳиллари хақида куйидагиларни келтирган:

“... Унинг олий масжида кунда беш вақт намоз ўқилар эди. Унинг хушхониши ҳофизлари Қуръон оятларини оҳанг билан ўқишиларидан осмон авжида фаришталар рақс тушар эдилар. Унинг мадрасасида машхур олим ва фозиллардан бири муаллимлик маснадида ўлтириб, зарурий ва диний илмларни ўқитарди ҳамда (мадрасага берилган) вақфлардан тўла ҳиссадор эди. У жойда ўқувчилар ҳам яхши маош билан таъминланиб, хамиша хотиржамлик билан мутолаа қилишга киришардилар. Файзгоҳ хонқоҳнинг

¹ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. II – жилд. Т., “Шарқ”, 2000. Б – 91.

ходимлари ҳар куни “эҳтиёж бўла туриб, мискин, есим есирга таом берадилар” (оятнинг) тақозосича, факир ва заифларга таом беришга аҳамият берардилар. У покликни орттирувчи мавзеда яшовчилар турлича латиф ва лазиз таомларни ошайдилар”.¹

Асарда илм аҳлларига кўрсатилган эътибор тўғрисида муаллиф қуидагиларни ёзди: “... Жаҳонгирилик майдонининг шаҳриёри Абдуллахон Парвардигорнинг ёрдами ва осмоннинг қувватлаши билан мамлакатлардан кўпини ўз тасарруфига олиб, меҳрибончилик расмлари ва марҳамат қонунларини тартибга келтириди. Раъийатпарварликнинг мавжуд маросими ва одиллик қоидаларини ўрнига қўйди. Унинг қутлуғ замонида равнақи кундан – кунга зиёда бўлаётган касбу – хунар ишлари ривож топди. Фазлу дониш ҳам бениҳоят ўлди. Илгари қурий бошлаган иш ва камол ниҳоли у тарбилаётган ёмғир томчилари барокатидан кун сайин яшнади. Умид ва тинчлик гулзори унинг эҳсон ва саҳоватидан бирин – кетин кўпайди ва сероб бўлди. Унинг марҳамати шамолидан ислом гулшанида ҳар куни хурсанчилик ғунчалари очилди. Унинг азиз булутидан, замон чаманидан ҳар соатда фазилат ниҳоли бош кўтарди. Ул ҳазратнинг ғолиб давлати ва зохир инояти барокатидан у мамлакатларнинг кўпчилиги илмлар булоғи ва фазилат ҳамда ҳунар манбаига айланади. Хусусан, Қуббат – ул ислом Бухоро, (Тангри) уни офат ва балолардан сақласин, аъло ҳазратнинг келиши билан дин уломоларининг тўпланган жойига, яқин арбобларнинг матлаига, авлиё ва покиза (киши)ларнинг қибласига, улуғ ва марҳаматлиларнинг Каъбасига, тақво аҳлларининг маркази, обид ва зохидларнинг омонлик жойига ҳамда ақтоб ва автод²ларнинг масканига айланди.”

Хоқон (ўз) давлатининг қуввати билан мамлакатни кенгайтиришни, Мустафо шариатини олий (қилиш) ва пайғамбарлар миллатининг байроғини баланд кўтаришни ҳамда пайғамбарлар ворислари бўлган уламолар табақасига ривлж беришга интилди. Шунинг учун (ҳам) уламоларнинг

¹ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б – 157 – 158.

² Автод – зўр авлиёлар.

мустаҳкам ўрни бўлган Бухоронинг ташқи қалъасида, шаҳарнинг ғарб тарафида, Хиёбон кўчасида ул хазрат кўрган бинолардан бўлганХон хаммоли қашисида 974 йилда (1566 – 1567 йил), тоқилари баланд, гумбазлари юқори ва икки қаватли, (кўп) ҳужралардан иборат бўлган олий мадраса қуришни буюрди. Унинг асосини ниҳоятда мустаҳкам қилдилар. У кутли бинонинг зоҳири раббоний уламолар қалбидай нуроний бўлиб, ичкариси (эса) Байтул ҳаромнинг (Макканинг) зоҳиридек жудолик ва паришонликдан холи эди. “Тақводорларга ваъда қилинган жаннат сифатли...” ояти (нинг) далолати унинг хусусида (жуда) тўғри бўлиб, “уламоларнинг мажлиси жаннат бўстонидир” (мақолининг) мазмуни рост ривоятдир. Тарих 974 йил (милодий 1566 – 1567 йиллар) да, (яъни) барокатли вақтда (бу мадраса) тамом бўлиши билан, машҳур уламолардан бир қисми, чунончи, фозил, комил, даврнинг сараси, инсонларнинг пешвоси, машҳур салаф¹ларнинг қолдиги ва халаф²ларнинг муқтадоси мавлоно Поянда Муҳаммад биринчидан, кейингиларнинг афзали, тадқиқ³ қилувчиларнинг ақмали, халқларнинг садри, қози райис номи билан машҳур (бўлган) қози Садир иккинчидан, (ва учинчидан), олий насабли, буюк нисбатли, илму камол қонунларини белгиловчи, фазилатларнинг жами, миллат, дунё ва диннинг камоли жаноб мавлоно Мулло Амир, Тангри уларнинг сояларини толибларининг устига туширсин, сингарилар (мадрасага) мударрис қилиб тайиндилар. Дин бўстонлари уларнинг тақво чашмалари ва фатво ҳовузларидан яшнади ҳамда сероб бўлди. Талабалар бутун куч билан ва илм аҳллари тўла истеъдодлари билан ҳамиша ўқиш – ўрганишга берилдилар.⁴

Бундан ташқари, Абдуллахон II даврида фақат Бухоронинг ўзида бир эмас, балки 4 та мадраса (Абдуллахон, Гавкашон Фатхулла қушбеги, Ҳожа Муҳаммад Парсо мадрасаси), яъни Чорсу (1570 йили), Кармина яқинида Зарафшон устига куприк (1582 йили) қурилди. Шаҳар марказида қурилган

¹ Салаф – илгари ўтган улуғ киши.

² Халаф – кейиндан келадиган, ўринбосар, авлод, зурриёд.

³ Тадқиқ – майдалаб, синчиклаб текшириш.

⁴ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б – 180.

Абдуллахон тими деб аталган усти ёпиқ бозор эса нафакат Мовароуннахрда, балки бутун жаҳонда машхур бўлди. Масжид мадраса, карвонсарой, хаммом ва боўқа олий бинолар Самарқанд, ТОшкент ва Балх сингари катта шаҳарларда ҳам қурилди. Карвон йўллари устида эса кўприклар, сардобалар қурулди; Вахш, Зарафшон ва Жайхундан нархлар чиқарилиб, кўплаб қишлоқ ва шаҳарлар Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз кабилар хақида ҳам эътиборга сазовор фактли маълумотлар бор.

Асарда Мовароуннахр таърифи берилган бетда куйидагиларни ўқиймиз:

“... Мовароуннахрни баъзилар шундай таърифлайдилар: “ Унинг тарафлари нозу неъмат хусусида мамлакатларнинг энг ободидир. (У) очиқлик жиҳатидан энг каттадир, ундаги хоҳ шаҳар бўлсин, хоҳ қишлоқ бўлсин, хоҳ текислик, хоҳ ўтлоқ бўлсин, ободонликда унга тенг (мамлакат) йўқ. Ҳавоси – ҳаволарнинг энг соғломи, сувлари – сувларнинг энг ширини ва энг енгили; суви барча тоғ ва атрофларда баробар шириндир. (Унинг) тупроғи – тупроқларнинг энг хушбўйи. (Катта) шаҳарлари: Бухоро, Самарқанд, Хужанд (бўлиб), хақи диндор, илмлик, тақводор, жувонмард, ва шиҷоатлидир”.¹

Шунингдек, асарда Бухоро шаҳри номини келиб чиқиши хусусида Жувайний (тўлик исми Олоуддин Отамалик ибн Муҳаммад Жувайний хижрий 623 – 684, милодий 1226 – 1285 йилларда яшаган давлат арбоби ва таниқли тарихчи) нинг “Тарихи жаҳонқушоӣ” асаридан олинган қуйидаги маълумотни келтиради: “Бухоро машриқ шаҳарларидан бўлиб, қуббат ул – исломдир; у томонда (яъни Мовароуннахрда) мадинат ул – ислом (Мадина) ўрнида (бўлиб) фуқороси факиҳлар ва олимлар нури билан безалиб, унинг атрофи маънилар маъшуқалари билан зийнатланган. Бухоро қадимдан хар асарда ҳар қандай дин олимлари аҳллари тўпланадиган жой бўлиб келган. “Бухоро” сўзи – “бухор” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўтпастлар тилида “илм макони” демакдир. Бу талаффуз уйғур ва хитой бутпастларининг

¹ Асарда келтирилган Мовароуннахр ва унинг ажойиботлари хақидаги маълумотлар Ёқут Хамавийнинг машхур “Мўжъам ал - булдон” асаридан олинган.

тилига яқиндир, чунки (уларда) сиғиниш жойлари бўлган маъбадларни “бухор” деб атайдилар. (Бухоро) шаҳарнинг номи аслида Лумижкат бўлган”.¹

Юқоридагилар билан бирга асарда Бухорода яшаб ижод этган Мушфиқий² Низом Муаммой, Муҳаммад Дарвиш Охунд, қози Поянда Заминий, мулла Амир Муҳаммад Амин Зоҳид³, Мавлоно Абдулҳаким каби кўплаб илоҳиёт олимлари, табиблар ва шоирлар ҳақида ҳам маълумотлар ҳамда, бу ерда ўзига хос хаттотлик ва наққошлик мактаби шакллангани ҳақида ҳам муҳим далиллар келтирилган. Ҳофиз Таниш Бухорий машҳур Султон Али Машҳадий, Муҳаммад Бухорий, Мавлоно Муҳаммад Музахҳиб, Жалолиддин Юсуф, Муҳаммад Мурод Самарқандий каби жуда кўп намоёндаларнинг номи ҳам тилга олиб ўтилган.

Асарда Бухоро хонлигининг Эрон, Хиндистон, Туркия, Қошғар, Русия ва бошқа мамлакатлар билан ХВИ асрда олиб борилган элчилик, савдо ва маданий алоқалари ҳақида ҳам, илм – фан ҳақида ҳам ўта муҳим маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар орасида Бухоро хонлиги билан Хиндистон ўртасидаги 1572 – 1573, 1577, 1578, 1586 йиллари элчилик алмашинувлари, 1583 йили Бухоро элчисининг Москвадан қайтиб келиши китобда бундай тасвирланади: “Яна ўша замонда Хоразм томонидан киши келиб арз қилди. Хон ҳазратининг шулқор ва жавшан учун Москвага юборилган элчиси яқин ерга етиб келди. Ҳавф борки, Хоразм султонлари мабода кўл узатсалар, илтимос шулки, киши бориб, уни Хоразм вилоятидан ўтказса, Он ҳазрат бу хизматни Ҳожийин ҳарамайн⁴, шариати – шор Ўтамин ҳожига буюрди, ҳожи Хоразмга бориб, шоҳларга таҳдид қилсин ва хоқон томонидан уларни қўрқитиб, нарсаларни ва элчиларни, ҳамма ҳамроҳлари билан саломат ўтказиб тезлик билан фалак ҳашамат таҳт соясига етказсин.

¹ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б .152 – 153. Бу маълумот Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарida ҳам келтирилган.

² Мушфиқий – асли Марвлик бўлиб, Самарқанд ва Бухорода таҳсил олган. У дастлаб Султон Саъидхон (1530 - 1533), сўнгра Абдуллахон II саройида хизмат қилган.

³ Мулла Амир Муҳаммад Амин Зоҳид – кўпинча “Маҳдуми бозорча” номи билан машҳур бўлган Мавлоно Муҳаммад Зоҳид. У ўз замонасининг ўқимишили кишиларидан бири бўлиб, тасаввуф муаллими бўлган Мавлоно Амин Зоҳид хижрий 1002, милодий 1594 йилда вафот этган.

⁴ Ҳожамайин ҳарамайн – мусулмонларнинг икки муқаддас шаҳри Макка ва Мадинани зиёрат қилган киши.

Ўтамин ҳожи тезда хизматни ўрнига қўйиб, элчи келтирган тухфаларни бирма – бир нурли назарга тўғри қилди. Тухфалар жумласидан неча тuya, Дарбанд совутлари ва ўн иккита ўргатилган шунқор бор эди. Хаво қаттиқ совуқ бўла туриб, Русия пойтахти Москвадан хоқоннинг иқбол маркази Бухорога шунқорлар саломатликда етдилар. Мовароуннаҳр султонлари шунча даражаси юқори бўлса ҳам, хеч битталарига шунча шунқор бирдан иқтидор қабзасига кирган эмас эди. Он ҳазрат ирова ва муҳаббат юзасидан ҳазрат қудусий мартабалик Ҳожа Саъдуддин Абу Бакр Ҳожа Калон ибн Ҳожа Муҳаммадга¹ хадя тариқасида бургут савлатли учта шунқорни юборди. Фалак бургуги сифатли иккита қувватли шунқорни жаноб Назарбийга берди, чунки у жаҳон итоат этувчи хукмга биноан, Балхни улуғ шахзода, пайғамбар ҳулқли, малоикатвор, одамийлар кўзининг нури, ҳулқи дин хомийси Абдулфатх Абдулмўмин² султоннинг шон – шарафини олий қилсин, гумашталарига топшириб, урдуга келган эди. Уч нафар шунқорни улуғ амир бош нуён Шохийбий аргунга берди”.

Юқоридагилар билан бирга “Абдулланома” да яна мусулмон руҳонийларнинг, масалан, Мовароуннаҳрда Жуйборий ҳожаларнинг мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилади. Маълумотлар Абдуллахон ва унинг давлати тепасида турганлар ана шу улкан давлатни бошқаришда Ҳожа Муҳаммад Ислом ва Ҳожа Саъд каби йирик руҳоний намоёндаларининг қўллашда, қўллаб – қуватлашга суянганликларини яққол кўрсатади. Масалан, асарда қуидаги парчаларни келтириб ўтамиз: “Ўша вақтларда замоннинг қутби ва даврнинг ғавси, барчага файз берувчи, вужуди олий ҳазрат, юқори мартабали, қуддус ўринли, ҳашамат иззатли, илоҳий нурлар маҳбати³, чексиз сирлар мазҳари, “маҳфий кон бўлган эдим” ҳадисининг мамлақат олувчиси,

¹ Ҳожа Колонхўжа – Ҳожа Муҳаммад Исломнинг тўнгич ўғли Ҳожа Саъд; отасининг вафотидан (хижрий 971 йили сафар ойининг 15 куни, милодий 1563 йил 15 октябр) сўнг унинг қойим мақоми ва меросхўри бўлиб қолган. Абдуллахон II замонида Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган йирик руҳоний ва заминдор.

² Абдулфатх Абдулмўмин султон – Абдуллахон II нинг ўғли, 1598 йили отаси ўлимидан сўнг олти ой тахтни бошқарган.

³ Маҳбати – бориб тушадиган жой.

“махфий нидо билан Тангрини чақирди” (ояти) курсисининг эгаси, валоят оиласининг сараси, шараф ва ҳидоят хонадонининг қолдиги, шайхулислом Хожа Мұхаммад Ислом, (яъни) Хожа Жўйборий деб танилган (эшон), (Тангри) унинг дилини пок қилсин, эди. Кўпчиликнинг ҳар бир иши ва маслахати ул ҳазратнинг иноятлари билан интизом топар эди. Бинобарин, ул дарвишпарвар подишоҳ (яъни Абдулла баҳодирхон) ёш бўла туриб, нихоятда ихлосли ва эътиқодли бўлганлигидан, ул олий остонаяга илтижо қилиб, муридлик бошини (унинг) инояти тавқидан ўтказди ва (ул) валояткаромат ҳазратнинг муҳаббати рақамини дўстлик қалами билан эҳтиёж лавхасига битди.

(Абдулла Баҳодирхон) хамиша ул ҳазратнинг файз берадиган хотиридан ва қуёш нурли дилларидан кимёхосият химмат ва мадад сўраб, салтанат ва иқболнинг холи тили билан ул кишининг обод ботинларидан дуо талаб қиласди. Муқаррардирки, то валоят эгалари ва ҳидоят аҳлларидан бирортаси бу баҳтли тоифанинг номига (ўзининг) тарбият рақамини ёзмаган бўлса, хилофат ва салтанат иши (ҳеч вақт) интизом ва тартибга келмаган. Чунки, ҳар бир юрт ва шаҳарларда (бўлган) номдор султонлар ва эътиборли хоқонларнинг белгиланиши буюк валийларнинг ҳимматли ва замон шайхлари ҳамда солиҳларнинг хайриҳоҳликлари билан бўлган”.¹

Асарнинг яъна бир жойида қуидагиларни ўқиймиз: “Ул ҳазрат Абдуллахон бу фойдали хикоя ва дилга ёқимли бўлган гапларни тоза гавхарлар ҳамда шахвар марваридлар каби ўзининг ақл қулоғига тақиб, тўла фармонбардор бўлди ва адолат ўрнатишда, халққа нисбатан саҳий бўлишда, динни қўллаб – қуватлашда, яқин ва содик кишиларни жой – жойига қўйишда, мамлакат ва ўлкаларни забт қилиш ва йўлларни қўриқлашда, шаҳарларни обод қилишдек, художўй кишиларни хурматлашда, раъийятга риоя қилишда ва халойиқни хурматлашда унинг Ҳожа Жўйборийнинг амру –

¹ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б .75.

фармоига қулоқ солар ва уни бажариш учун кучи борича тиришар ҳамда сўз билан таъриф қилиб бўлмайдиган даражада харакат қиларди”¹.

Хофиз Таниш Бухорийнинг бу асарида Мовароуннахр ва унга туташ худудларда, шунингдек, Жанубий Туркманистонда XVI асрда истиқомат қилган турк – мўғул қабилалари: жалойир, найман, қарик², қипчоқ, қатоғон, ўтарчи, беш юз, шақоқу, қулон, оёни, керайт, олчин, баҳрин, уйғур, қальали, қўнғирот, дўрмон, қўшчи, можор, устун чашмау абру, булачи, ёбу, кенагас, мангит³, тубайн, некуз, қиёт, бошқирд, минг⁴ қабилар ҳақида ҳам фавқулотда муҳим маълумотлар келтирилади.

Масалан, “Қўнғирот бу жамоа ҳам Арканакунга⁵ борган икки кишининг наслиданdir. Чунончи, (улар тўғрисида) айтадилар ва хикоя қиладиларки, бу қўнғирот қавми бошқа (қавм) лардан аввал, улар билан кенгашмасданоқ (Арканакундан) тезлик билан чиқиб кетганлар ва шундай қилиб, бошқа қавмларнинг оташдонларини оёқости қилганлар. Мўғулларнинг эътиқоди шулки, қўнғиротлардан кўп содир бўлиб турадиган оёқогриклари (нинг) сабаби уларнинг ўша хатти – харакати туфайлидирки, уларнинг оёқлари ўша зулмнинг наштарига теккан. Қўнғирот қавмидан жуда кўп (бошқа) қавмлар (ва) тармоқлар тармоқ – (тармоқ) бўлиб ажралиб чиқсан ва (уларнинг) ҳар бири ўзига хос ном ва муайян (бир) лақаб билан фарқ қилган...

... Урёвут қавми – мўғул дарлакандан (тарқалган). Ундан уч тармоқ пайдо бўлган. Бири Кункитон, иккинчиси Орлот, яна бири Қаланкут. Бу исмлар аслида уч ога – инининг номи бўлган ва ҳар биридан (янги) тармоқлар пайдо бўлган (ва) уларнинг уруғи бўлиб, айрим қавм бўлиб (ажралиб) кетган.

¹ Хофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б.173.

² Қарик – қарлуқ қабиласи номини бузилиб айтилиши, ўзбек халқининг таркибида асосий роль ўйнаган қабилалардан бири.

³ Мангит (манқит) – кўчманчи ўзбек қабилаларидан, шунингдек бу қабила қозоқ, татар, бошқирд халқи таркибида ҳам иштирок этган.

⁴ Минг – кўчманчи ўзбек қабилаларидан. У баъзан туман, айрим ҳолларда эса тумон – минг аталганлар. Минглар XVIII асрнинг бошларида Қўқон хонлигига асос соладилар ва Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олинишига қадар хукмронлик қилганлар.

⁵ Арканакун – сўзи мўғулча бўлиб, икки сўздан ташкил топган: эргунэ – тизма тог; кун – кия, тог ёнбағри. Демак, “арканакун” – тог ёнбағри.

Қунқитон – бу сўзнинг маъноси “буюк” демақдир. (ҳақиқатдан ҳам) у шундай киши эди. Шу сабабдан, у шундай ном олган. Унинг наслидан буюк амирлар чиқкан. Чингизхон замонида (унинг) Улун исмли онасини олган Мунлик игчи шу фирмадан эди. Унинг бир ўғли бўлиб, исми Кўкчу эди. Мўгуллар уни “Тангри бути” дер эдилар. Унинг одати шундай эдики, ҳозир ўтган ва келажак замон ахволларидан хабар берар ва айтар эдики, ҳар вақт осмонга чиқиб тураман, бу сўзни Тангри айтди. Чингизхон уни хамиша “Сен бизнинг олам подишоҳимизсан” дер эди. Мўгулларда “чинг” – мустаҳкам демақдир, “Чингиз” бўлса унинг қўплигиdir.

Орлот (қавми) бу сўзнинг маъноси – “ота – онаси қошида нозанин бўлган киши” демақдир. Орлот қавмининг барчаси шу ўғил (нинг) наслидан. Чингизхон замонида яшаган Бўргучин нўён¹ исмли бир киши шу табақадан бўлган. У Чингизхоннинг даргоҳида юқори матрабага эришган эди. Масалан, у хон томонида ҳамма амирлардан юқори ўлтирад эди.

Каланкут қавми. Каланкут “каланги”² сўзидан бўлганидан, шу исм билан аталади. Ўнхон³нинг Чингизхонни ўлдириш мақсадида иттифоқ тузиб, хиёнат қилганини билдириб қўйгани учун, Чингизхон томонидан дархон⁴ қилинган Бодой ва Қишлиқ шу наслдан эдилар.

Биринжис қавми ҳам каланкутдан чиқкан бир тармоқдир.

Дарлакан қавмларидан яна бири **Хушин** қавмидир. Бу табақадан кўп киши кўрагонлик шараф ва мансабни топиб, хон куёви бўлиш мансабига эришдилар.

Яна бир қавм – Сулдуздир. Бу қавмдан буюк амирлар кўп бўлса ҳам, лекин уларнинг мўътабар ва машҳур кишилари Чингизхонга мансубдир. Бу

¹ Нўён – мўгулча бўлиб, энг улуғ ва мўътабар амирлар шу ном билан аталганлар.

² Каланги (мўгулча) – филай; кўзига бир нарса иккита бўлиб кўринувчи киши.

³ Ўнхон – (Ванхон) христиан динида бўлган кероит қавмининг бошлиғи. Чингизхон хали ҳокимият тепасига келмаган йиллари Шарқий Мўгулистанда ҳоким бўлган.

⁴ Дархон (тархон) – мўгулча. Лугавий маъноси – темирчи, косиб, озод киши. Анъаналарга қараганда, шу касб эгаси бўлган бир киши мўгулларни Арканакундан олиб чиқкан. Шунинг учун ҳам Чингизхон уни тархон қилган, яъни зўр имтиёзлар берган эмиш. Тархонлик имтиёзини олган киши хон, подишоҳ олдига бемолол кира олар ва барча соликлардан озод этилар эди. Ундан ташқари, у жиноят қилиб қўйганда ҳам, бундай жиноят 9 марта содир бўлгунча жавобгарликка тортилмас эди. Тархонлик мўгуллар, Темурийлар ва Шайбонийлар даврида Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда кенг тарқалган эди.

қавм Чингизхон билан ҳамроҳ бўлиб юрган чоғларда ажойиб ишлар ва буюк ҳодисалар содир бўлди...

... Аммо бошқа бир қавм, **илдуркин** деб аталиб, сулдуз қавмининг бир тармоғидир ва илдуркин қавм ининг барчаси шу тармоқдандир.

Яна бошқа бир қавм **боёвут**дир ва улар қўп сонли қабила бўлишига қарамай, уларнинг фақат икки тармоғи маълум ва машҳурдир. Булардан бирин жади боёвут ва иккинчисини қахрун боёвут деб атардилар. Жади Мўғулистанда бир дарёнинг номи бўлиб, шу дарё бўйлари ўша қабиланинг макони бўлганидан, улар “жади боёвут” аталган. Саҳрода қолганларини бўлса, “қахрун боёвут” деб атаганлар. Чингизхон йигитлигининг ilk чоғида тойжуит қавми билан жанг қилиб юрганда, бу қавм у билан иттифоқда бўлган ва унинг асирилиги вақтида мақбул ёрдам кўрсатган эдилар...

... Яна **дўрмон** қавми. Бу тоифа ҳам Нирундан тарқалгандир. Шундан нақл қиласидиларки, булар ака – ука бўлиб тўрт ўғилдирлар; ўзлари турган жойдан Чингизхоннинг вилоятига киришни истаганлар ва сол боғлаб, унга ўлтирганлар ва вилоятга кирганлар. Ҳикоя қиласидиларки, дўрмон қавми ўшаларнинг наслидандир ва мўғулча “дўрмон” – “тўрт” деганидир. Шу жиҳатдан бу қавмнинг насабини ўша тўрт оға – инига нисбат берадилар”.¹

Юқоридаги маълумотлар нафақат ўша қавмлар тарихини, балки ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда ҳам муҳим манбалардандир. Бундан ташқари хон ва сultonларга хадя, тортиқ қилиш (ҳар бир нарсадан 9 нафардан) тартиби, одамлар орасида амалда бўлган одатлар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларни учратамиз.

¹ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б . 44 - 47.

3. XVI асрдаги Хурросондаги ижтимоий – сиёсий ҳаёт ва ўзбек элати талқинлари.

Хофиз Таниш ўз асарида XVI асрларнинг иккинчи ярмида Бобурийлар империяси (Хиндистон) билан Ўрта Осиё ўртасида сиёсий муносабатлар, шунингдек, Хурросон масалаларига оид айрим қимматли маълумотларни ҳам келтирган. Асарда айниқса иккинчи жилдининг ярмидан қўпроғи Бадахшон хусусан Хурросон юртига бағишилангандир. Ундан аввалги келган воқеа ва ходисалар, ижтимоий – сиёсий ҳаёт бўйича Мовароуннаҳр ерларидан сўнг Хурросон ерлари қўпроқ тилга олинган. Чунки, Абдуллахон II то Мовароуннаҳр яъни Бухоро хонлигининг таҳтига чиққунга қадар ўша даврда Хурросоннинг марказий шаҳарларидан бири бўлган Балх¹да хокимлик қилган эди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр хукмдори Абдуллахон билан Бобурийларнинг подшоҳи Ақбаршоҳ (1556 – 1605 йиллар) ўртасидаги

¹ Балх – Амударёнинг сўл тарафида жойлашган қадимий шаҳар; вилоят маркази, илгари Бухоро хонлигига қараган. Вазиробод деб ҳам юритилган.

сиёсий муносабатлар заминида, асосан, Бадахшон, шимолий Афғонистон ва Хурсон учун кураш ётади. Абдуллахон ўша йиллари Балх ва Бадахшонни ўз қўлига киритиб, Қобулга ҳам таҳдид қила бошлади. Акбар эса 1583 йилда Синдни ва 1586 йилда Кашмирни босиб олиб ўзбеклар давлатининг жанубий чегараларига яқинлашади. Кейинчалик, Абдуллахон Акбаршоҳ билан битим тузиб ички феодал уруш – жанжаллар ва Туркия билан тўхтовсиз олиб борилган уруш туфайли кучсизланиб қолган Эронни ўзаро тақсимлаб олишга интилди. Акбар эса Балх ва Бадахшонни, қўл келса, Хурсон ва Мовароуннаҳрни ҳам ўзига қаратиш ниятида эди. Биз бу масалаларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Абдуллахон 966 / 1558 – 59 йили Бадахшон ҳокими Темурий шоҳ Сулаймон ва унинг ўғли Иброҳим мирзони Балх ёнида тор – мор қилди. 980 / 1572 – 73 йилда эса шоҳ Сулаймон Балх ҳукмдори Динмуҳаммад билан иттифоқ тузиб, Абдуллахонга қарши уруш очади. Лекин бу гал ҳам Абдуллахон ғалаба қозонди. Шоҳ Сулаймон яна Бадахшонга қочиб кетди ва Акбаршоҳдан ёрдам сўради. Акбар унга харбий ёрдам ваъда қилди. Абдуллахон эса бу иттифоққа йўл қўймаслик мақсадида қатор тадбирлар кўра бошлади. Биринчидан, у ўша йили (хижрий 980) Ҳиндистонга амир Олтмиш бошчилигига элчилар юбордилар. Лекин Акбар ўзбек хоқони билан дўстона муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлиги тўғрисида қуруқ ваъдалар бераб, элчиларни қайтариб юборди. 985 / 1577 – 78 йили Абдуллахон Акбаршоҳ ҳузурига иккинчи марта амир Абдураҳимни элчи қилиб юборди. Бу гал Абдуллахон тўғридан – тўғри Эронни ўзаро тақсимлаб олишни таклиф қилди. Лекин Акбар бунга рози бўлмади, чунки у бу вақтда Ҳиндистоннинг шимолий қисмидаги мустақил князликлар: Синд ва Кашмирни босиб олиш учун хозирлик қўраётган эди. Келаси йили, яъни 986 / 1578 – 79 йили Самарқандга яқин бўлган Ипор қўриғидаги турган Акбаршоҳнинг элчиси мирзо Фўлод келди. Элчи Акбарнинг Эронни тақсимлаб олига рози эмаслигини Абдуллахонга эҳтиёткорлик билан маълум қилди ва уни Бадахшонни босиб олишдан қайтаришга уриниб қўрди. Лекин, бари – бир

992 / 1584 йили Абдуллахон Бадахшонда кучайиб кетган феодал ва тожу тахт учун курашдан фойдаланиб, уни босиб олди.

Акбаршоҳнинг бош муншийси Абулфазл Алломий¹ “Макотиботи Алломий” (“Иншойи Абулфазл”) китобида 1586 – 1596 йилларда Мовароуннахр ва Хиндистон ўртасидаги сиёсий муносабатлар хусусида мухим фактлар бор. Шунингдек, бу асарда Акбарнинг Абдуллахонга ёзган учхати келтирилган. Бу мактубларда ўша йилларда ҳар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий муносабатлар ўз аксини топган. Мактубларда Абдуллахоннинг Хиндистонга мавлоно Ҳусайн, Мир Қурайш, Аҳмадали оталиқ бошчилигига юборган элчилари, Акбарни эса Ҳожа Ашраф, Ҳаким Ҳумом, Мир Садржаҳон бошчилигига Бухорога юборган элчилари хақида ва Бадахшон, Қандахор, Ҳурисон, Эрон ва масаласида сўз боради. Акбаршоҳ Бадахшоннинг Абдуллахон томонидан забт қилингани туфайли дастлаб ундан норози бўлса ҳам, кейинчалик бунга иқрор бўлган ва ёрдам сўраб Хиндистонга келган шоҳ Сулаймон ва Ҳусрав султонни ошкора қўллаб - қувулаймон ва Ҳусрав султонни ошкора қўллаб – қувватлай олмаган. Ундан ташқари, Акбаршоҳ Қандахор, Ҳурисон, Эрон ва Ироқ масаласида ҳар икки хукумат тутаётган сиёсий йўлни мухокама қилмоқ учун Абдуллахонни Ҳурисоннинг бирор жойда шахсан учрашишга чақиради. Хуллас, бунда ҳар икки томон Ўрта Шарқда ўзининг сиёсий мавқенини мустаҳкамлашга интилган.²

Хофиз Таниш ўзининг “Абдулланома” асарида Ҳурисонга юришнинг бошланишини мана бундай тасвирлайди: “Бу хикояни муқаддима қилишдан мақсад шулки, аъло ҳазрат Абдуллахон доимо жаҳон кезувчилик орзусини бошда тутуб, мамлакат олувчилик туғини кўтарарди. Бу хусусан куфр тўзони

¹ Абулфазл Алломий – XVI асрда яшаган йирик тарихшунос олим ва давлат арбоби, ҳақиқий исми: Абулфазл ибн Муборак 1551 йил 14 – январда Агра (Хиндистон) да туғилган. Отаси шайх Муборак ибн Хидруз даврининг машхур илохиёт олимларидан бири хисобланган. Муҳаммад Самарқандийнинг маълумотларига караганда, Шайх Муборак Агра мадрасаларининг бирида мударрислик қилган. Абулфазл Алломий 1574 – 1602 йилларда Бобурий Акбаршоҳнинг (1566 – 1605 йиллар) бош вазири бўлган ва Хиндистоннинг XVI асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий – сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган. 1602 йил 22 августида шахзода Жаҳонгир ёллаган котил томонидан ўлдирилган.

² Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б . 9 - 10.

қўзғолон ва зулм қоронғулиги (билин) босган ҳолда бир неча Тангрини тан олиш авжига чиққан мамлакатга қарши айниқса, намоён бўлди. Шунинг учун ҳам унинг шарофатли хотиралари узоқ вақтлардан бери зулмат ва жаҳолат таъсири остида қолган Хурросон¹ томон мойил бўлди. Нияти харакат губорини кўтариб, фитна гардини ётқизиб, кино ханжарини қиндан чиқариш эдики, токи зулм ва ширк²ни чоғи қинида қолсин.

Алқисса, ул мамлакатда юришга қарор қилиб, фахрли вожиб ул – изъон³ фармон бўлдики, Баҳром савлатли тавочи⁴лар ва шер қудратли паҳлавонлар теварак атрофга қараб чопдилар, ҳамда фалак мартабали аскарлар хозирлашга харакат қилиб, тезда юқори даражали оstonани ўпдилар. Теварак – атрофдан оstonани кетма – кет юлдуз мисол сипоҳ кайвонпаноҳ даргоҳга келиш ва хоқон билан учрашиш кадр – қимматига ҳамда унинг олдида ерни ўпиш шарафига эришгандан сўнг ул ҳазрат тўққиз юз етмиш тўртинчи йилнинг охирларида (милодий 1566 йилнинг ноябрь ёки декабрь ойларида) ислом туғини баланд кўтариш, кофирлар байроғини тубан қилиш ва Таҳмосп⁵ билан уруш учун Хурросон томон юрди. Ғозот ва жиҳот⁶ билан уришиш учун Хурросон томон юрди. Ғозот ва жиҳот камарини ғоятда ғайрат билан осон белига боғлаб, иззат ва улуғликнинг маркази ҳамда давлат қуёши ва иқболининг маркази бўлган Бухоро мамлакатидан жўнади”⁷.

Шу билан бирга асарда Абдуллахон қўшини томонидан Хурросон еридаги қалъаларни қўлга киритиш баёни, у ерлардан олинган ўлжалар ҳамда бўйсундирилган жойларни халқига бўлган муносабатлари хақида ҳам баён этилган. Масалан, Бурёбод⁸ қалъасини босиб олиганидан кейинги воқеани

¹ Хурросон – маълумки Ўрта асрларда хозирги Эроннинг шарқи – шимолий қисми, Афғонистоннинг ғарбий – шимолий, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий қисми Хурросон деб аталган.

² Ширк – кўп худо бор деб эътироф қилиш; кўп худога ишониш.

³ Вожиб ул – изъон – “хизбуллоҳ” бажарилиши мажбур бўлган иш: бажарилиши катъий ва сўзсиз .

⁴ Тавочи – лашкар тўплаш, уни ҳарбий юришлар ва жанг олдидан маҳсус тартиб ишларига бошчилик қилувчи ҳарбий мансабдор, XV – XVI асрларда ҳарбий юриш вақтида қайси амир ўз қўшини билан қаерда ов қилишини ҳам шу амалдор белгилаб берган.

⁵ Таҳмосп – 1524 – 1576 йилларда Эронда хукмронлик килган шоҳ.

⁶ Ғозот ва жиҳот – “кофир”ларга қарши кураш. Бу ерда сафавийларга қарши уруш назарда тутулади.

⁷ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б . 113.

⁸ Бурёбод – Хирот вилоятига қарашли Бурён (Ёқут Ҳамафийнинг “Муъжам ал – булдон” асарида Бузён деб келтирилган қишлоқ бўлса керак).

куйидаги тасвирлайди: “Хотин ва қизлардан кўпларини асир олдилар. У қалъадаги бор захира ва нафис нарсаларни қўлга киритдилар... Ўлжалардан нима қўлга тушган бўлса, шахона муруватлар билан уларни лашкарларга бўлиб бердилар. Ярадорларни эса подишохона меҳрибонлик марҳаматлари билан сийладилар.

Бир тўда эътиқодли кишилардан эшитдики, ўша куни кечқурун аъло ҳазрат Абдуллахон уйқуга мойил бўлди. Уйқунинг қаҳри бўлган султон маҳсус Шайбонийларнинг сезги хокимларини ўрнидан бўшатишга буюрди. Кўз қорачигининг икки табақали энига гул ғунчаси оғзидек бекинди. Шу чоғ гойиб оламдан шаксиз овоз берувчи шул нидо келди: “Эй Абдуллоҳ бандаларингни озод қил, ғамзада асиrlарингни шод қил!”. Уйқудан турди ва жазм кўзи билан тушундики, бу туш баъмани тушлардан эмас. Шунинг учун буюрдим: “Кимнинг асири бўлса, халифат остонасига келтиrsин, яширмасин”. Ва яна буюрди: “бакавул¹лар бир неча кўйни сўйиб, асиrlарига ош тортсин”. Асири ва бандилар кайвоннишон шохнинг даргоҳларига келганларидан сўнг ҳамиша умрини раъийятининг тинчлиги учун сарфлаган ул ҳазрат ўзи юриб асиrlарни тўйғазди; ялонғочларини иноят либоси билан сийлади. Шундан сўнг буюрдики: “бу паришон ҳалқнинг хаммасини Бурёбод қалъаси қархисидаги қўрғонга олиб бориб, ўша жойнинг ҳалқига топширинглар”².

Яна асарда Марв, Балх, Шибирғон³, Термиз, Касби⁴ каби шаҳарлар ва қалъаларнинг олиниши ҳам баён этилган. Ушбу жойларни босиб олинишида, ҳамда маҳаллий хукмдорларни Абдуллахон билан келиштиришда ўша ерлик шайх ва сайдларнинг қандай роль ўйнаганликларини ҳам ўз баёнини топган. Масалан, Шибирғон хокими Динмуҳаммад Султон билан Абдуллахонни

¹ Бакавул – подишох, хон саройининг ошпази, харбий юришлар вақтида қўшинни овқат ва маош билан таъминлаш ҳам унинг зиммасида бўлган.

² Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б . 234.

³ Шибирғон – Балхнин ғарб тарафида, ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмида, Мозори Шариф билан Андхун (Андхат) ўртасида жойлашган қадимий шаҳар, вилоят маркази.

⁴ Касби – ҳозирги Қарши шаҳрининг жануби – ғарбида, ундан 28 – 32 км чамаси масофада жойлашган қадимий қишлоқ. Академик В.В.Бартольднинг фикрига кўра, Касби ўша вақтда Қаршидан ҳам катта бўлган.

келиштиришда, ўша даврда Қубровия¹ тариқатининг йўлбошчиси бўлган мавлоно Муҳаммад Амин Зоҳид ҳамда Маҳдуми Аъзам Шайх Ҳожа Муҳаммад Ҳабутоний²лар Динмуҳаммад Султон тарафидан элчи бўлиб Абдулахон хузурига бориб, вилоятни уруш ва вайронагарчиликдан сақлаб қолиш, ҳамда сўзсиз вилоят халқи хокими билан унинг фармони остига ўтиш хақида музокара олиб борган. Абдулахон улуғ шайхларнинг элчилигидан сўнг Шибирғонни ташлаб чиқиб кетади.

Асарда шунингдек, Балх, Кўлоб, Термиз ва Хирот шаҳарлари ҳамда уларнинг тарихи хақида ҳам эътиборга сазовор фактли маълумотлар келтирилган.

Балх тарихи хақида асарда қўйидагиларни учратамиз: “Тарихларда ёзилишича, Балх Хурсоннинг қадимий шаҳарларидан ва айтишларича, Хурсонда Балхдан қадимгироқ шаҳар йўқдир. Китобларда ёзилганларига қараганда, Тоҳаристон, Самингон, Бақлон, Сарой, Арханг, Толикон, Андҳуд, Шибирғон, Сон, Чорик³, Ғазна, Бомиён, Кобил ва Синд дарёсининг қирғогигача, Хирот томонидан Лангар ва Чечактудан то Мурғобгача унга (яъни Балхга) тобеъ бўлган ерлар ҳисобланади. Баъзилар Гаржистонни ҳам Балхга қарашли дейдилар, баъзилар бўлса Хиротга қўшилади деб ҳисобласалар ҳам айтадиларки, Минучехр⁴ Балхда бир бино солган эди. Уни Навбаҳор⁵ дердилар. У катта бутхона эди ва уни кўп улуғлар эдилар. Унинг қурилиши ҳар томони юзга – юз қилинганди⁶. Баландлиги юз газдан ортиқ

¹ Қубровия – Нажмиддин Қубро (Ахмад ибн Умар ал – Хивақий: 540 / 1145 - 618 / 1221 йилларда яшаган) асос соглан диний тариқат.

² Ҳожа Муҳаммад Ҳабутоний – (Ҳабутон Нишопур вилоятига қарашли қишлоқ номи) ўша даврнинг йирик шайх – диний уломоларидан бири.

³ Чорик – Парвонадан Истилоб орқали Қобул водийсига ўтадиган йўл устидаги шаҳар. Ибн Батутанинг сўзларига қараганда Чорик қальаси бой ва обод бир жой бўлган.

⁴ Минучехр – IX асрда Довуд ибн Аббос (Хишом ибн Моҳичурнинг набираси) тарафидан Балх ёнида қурилган Нусар қишлоғи ва шу номдаги қаср бўлса керак.

⁵ Навбаҳор (Nava vihara) – Балхнинг жанубий тарафида, шаҳар ёнида жойлашган ўтпарастларнинг қадимий бутхонаси. Ибн ал – Факих (Х асрда ўтган Ҳамадонлик олим) нинг сўзларига қараганда, Навбаҳорда ўтпарастларнинг жуда катта маъбудаси бўлган ва унга сифиниш учун теварак – атрофдан жуда кўп киши келиб турган. Навбаҳор кўп марта бузилиб, яна тикланган. У биринчи марта араблар ҳукумронлиги замонида вайрон қилинган эди.

⁶ “Унинг қурилиши ҳар томони юзга – юз қилинганди” – унинг эни ҳам, узунлиги ҳам юз газдан иборат демокчи. Бир газ тахминан 60 см га teng. Демак, бу бинонинг эни ҳам, узунлиги ҳам баб – баробар 60 метрдан бўлган экан.

бўлиб, хоналарининг ҳаммаси ипак ва парчалар билан ўралиб, деворларига нафис гавҳарлар осилган эди. Турк ҳамда форс аҳли унга томом тазим қилиб, у ерга ҳаж қиласидилар, кўп ҳадя ва назирлар келтирадар эдилар.

Балх Лухросп¹нинг пойтахти эди. Лухросп Кайхусрав²нинг валиаҳди бўлиб, ундан сўнг подишоҳликка ўтирда ва Балхда қизил олтиндан тахт ясад, уни жавҳар ва ёқутлар билан безади. Унга Рум ва Ҳинд шоҳлари қарам бўлиб, унинг ҳукумларига бўйсунардилар. Ҳинд диёридан кишилар олиб келиб, Балхнинг қалъасини қурди. У қалъани шу сабабдан Ҳиндуон деб атадилар. Ҳақиқатда Балх мұytабар қалъалардан ва номдор қўрғонлардандир. Ҳозирда мавжуд бўлган қўрғон девори муболагасиз айтганда, асосидан то кунгирасигача тахминан йигирма газ эди. Уни ғоятда мустаҳкам қилиб қурганлар. Атрофига эса ниҳоятда чуқур кенг хандак қазиганлар. Айтадиларки, унинг кўп ери жимжимали бўлиб, агар бирон кишининг оёғи қўққисдан унга тушиб қолса, асло чиқариб бўлмайди. Кисқа қилиб айтганда, Балх шундай бир мустаҳкам қўрғон ва ниҳоятда маҳкам қалъадир. Мустаҳкамликда Садди Искандарга баробарлик даъво қиласи, балки боши юқорилик қиласи. Унинг тупроқ қўрғони шукухи ва бурж ҳамда деворларининг савлати кўк қалъасини шарманда қиласи”³.

Шунингдек, асарда Хурасонда яшовчи халқлар, уларнинг машғулотлари ҳамда у ердаги шаҳар аҳолиси орасида кенг тарқалган ҳунармандчилик, шу билан бирга ушбу халқларнинг урф – одатларига таалуқли бўлган бир қанча қимматли маълумотлар келтирадики, булар ўша давр да яъни XVI асрларда Хурасон халқлари тарихини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласи.

Яна ушбу асарда Балх ва бошқа шаҳарларда бунёд этилган иншоатлар, у ердаги илм – фан ва маданият ҳам бир қадар ривожланишини қўрсатувчи маълумотлар ҳам бор.

¹ Лухросп – Қадимги Эроннинг Кайёнийлар сулоласидан бўлган тўртинчи ҳукмдори. Кайёнийлардан қуйидаги ўн киши подишоҳ ўтган: Кайқубод, Кайковус, Кайхусрав, Лухросп, Гуштаси (Гуштасуп), Баҳмон, Ҳумой, Дороб, Дороб II, ва Искандар.

² Кайхусрав – Кайёнийлар сулоласидан бўлган Сиёвуш ибн Кайковус билан Турун маликаси Фарангиснинг фарзанди; қадимий замонларда Турун хокими.

³ Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. 1 – жилд. Т., “Шарқ”, 1999. Б . 255.

Хофиз Таниш Бухорийнинг бу асарида мусулмон руҳонийларининг, масалан, Мовароуннардаги каби Хурросонда ҳам жуйборий Ҳожаларнинг, Бадахшонда шайх Халилулох¹нинг мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва роли хақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган.

“Абдулланома” да экин экиш, дехқончилик қилишнинг инсонлар учун қанчалик муҳим ва керакли, ерларни сув чиқариб, ариқлар қазиб обод қилишни таснифи ҳам бор. Масалан, “Дехқончилик касбида фойда кўпdir. Уларнинг тақдиридан ақл ожиздир. Чунки унинг бир донаси етти юз дона ҳосил беради.

Унинг аслига ва кўпайишига қара! Бундан ҳам кўпайиши Тангри раҳмати билан бўлади. Орқага кетиб камайиб қолиши, эй дехқон, сенинг камчилигингдандир...

...Улуғ ва олий Тангри ерни ва экинзорларни ҳикмат билан яратади, унинг обод бўлишини, халққа ундан фойда етишини ҳоҳлайди. Агар халқ фойда олиш, даромад қилиш учун исроф билан бўлса ҳам, дунёни иморат қилгандан савоб бўлишини билса эди, ҳаргиз иморат қилишни тарқ қилмас эди. Агар иморат қилишни қўйиб, ерни бўш қолдиргандан қандай гуноҳ ҳосил бўлишини билса эди, асло ободончилик асбобини хароб бўлишига йўл қўймас эди. Масалан, агар бир киши кучи етгунча миқдордаги ерни зироат қилиб, ҳар йили ундан минг батмон ғалла ҳосил олиб турган бўлса, сўнгра бепарволик биланишлаб, тўққиз юз ботмон ҳосил олса, кейинга қолдириб, қўлга киритолмаган юз ботмон миқдори учун жавобгар бўлади.

... Саодатдастгоҳ, вилоятпаноҳ ҳоқон ҳазрат шу қадар зўр даража ва улуғ мартабалари, мол, ҳол ва тобеларининг кўплиги билан дехқончилик касбида иззат, шарофат борлигига биноан зироатни кўпайтирдилар. Дараҳт ўтқазиш ва иморат солиши ишларини тартиб билан олиб борарди, ундан олган чексиз манфаат, ҳисобсиз фойдаларнинеча ҳисса қилиб ожизалар, заифлар мискинлар ва солиҳ бандаларга сарф этади. Шу кунларда эса унинг жаҳонга оро берувчи раъии бинокорининг яхши эҳтимоми билан обод бўлган, жаҳон

¹ Шайх Хамидуллоҳ – Бадахшонлик машхур эшон, диний уломо, қабри Варсагда жойлашган.

ободонлигига жаннатнинг рашки келади, жаҳон ҳурлари қасридек бўлди, унга Эрам боғи, байтул – маъмур ҳасад қиласди. Инъоми файзининг булути доимо умумхалқнинг умиди бўстонига, аҳволи боғи кечаю – кундуз тўкилиб, ёғиб туради. Ҳаммага тегишли бўлган ёрдами булутининг қатралари умидворлар орзусининг экинзорига пайдар – пай ёғиб турган баҳор булути қатраларидек тўкилиб турмоқда.

Динпаноҳ ҳоқон Бадахшон вилоятининг ҳамма халқининг ҳожатмандлик, фидокорлик арзгоҳига келтирганидан кейин, унинг кимёасар назари И мом даштига тушди. Чунки И мом дашти сахилар химмати соҳасидек кенг эди. Лекин Карбало водийси¹нинг лаб ташналаридек оқар сув йўқлигидан лаби қуриган, ташна жигар эди. Ҳожатмандлик йўли билан арз тутилгач, “Хатлон, Қундуз, Бағлондан баъзи одамлар кўчиб И мом Арҳангига келиб жойлашсинглар. У кенг водий ва маҳкам биёбоннинг ободонлиги учун Жайхундан янги анҳор қазишга киришсинглар”, деган мазмунда олий ҳукм содир бўлиш шарафини топди. Тангрига шукур, ул ҳазратнинг илтифоти барокоти, хашаматли ҳоқон давлатининг қуввати билан ул биёбон, кўп ийллардан буён экинсиз ётган чўл “экинсиз водий” дан киноя бўлган эди, бу кунда у, гўзал боғ, яшнаган бўстонликка айланди”².

Хуллас, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асарида ижтимоий – сиёсий, маданий ҳаётига оид жуда кўплаб воқеалар баён этилганки, бу нарса асарнинг қимматлилигини янада оширадики, унга бўлган қизиқиши кучайтиради.

¹ Карбало водийси (Карбало дашти) – Карбало Ироқдаги Фурот дарёси водийсида жойлашган даштлик.

² Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. “Абдулланома”. II – жилд. Т., “Шарқ”, 2000. Б . 177 – 178.

ХУЛОСА

Хофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асарида асосий ўринни эгаллаган воқеа ва ходисалар ўша даврда Шайбонийларнинг етакчи, кучли хукмдори Абдуллахонни улуғлашга бағишлигани шак - шубҳасизки, биз унда Абдуллахоннинг 1551 – 1582 йилларда олиб борган узлуксиз урушлари, Шайбонийхон вафотидан сўнг майда қисмларга бўлиниб кетган Мовароуннаҳрни қайта бирлаштириш, Шайбонийхон давлатини қайта тиклаш, марказий давлатни кучайтиришга қаратилганлиги баённини ўқиймиз. Бунда у деярли ҳамма ўзбек қабилалари, жўйбор¹ ҳожалари ва руҳонийларнинг ёрдамига таянади. У шайбоний султонлар ва йирик феодалларнинг бош – бошдоқлигларига қарши шавқатсизларча курашди ва ҳатто ўз қариндош – уруғларини ҳам аямай қириб ташлади. Бу курашда Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўминдан бошқа Абулхайрхон хонадонидан бўлган ҳамма шайбоний султонлар қириб ташланди. Тинимсиз ҳарбий юришлар, қонли урушлар меҳнаткаш омманинг тинкасини қуритди.

Абдуллахон қарийиб 40 йил давлатни бошқарди. Лекин бари – бир ички феодал уруш ва низоларни тамоман бартараф қилаолмади. У давлатни қурол воситаси билан, аникроғи, зўрлик билан бошқарди. Феодалларнинг

¹ Жўйбор – XIV – XVI асрлардаги Бухоронинг ҳарбий томонида жойлашган катта бир мавзе бўлиб, бу жўйборий ҳожаларнинг қароргохи бўлган. Абдуллахон замонида Жўйбор мавзеси Бухоро шаҳри ўрамига кўшиб олинган.

сепаратистик харакати Абдуллахон ҳаётининг сўнги йилларида яна бошланди ва унинг вафотидан (1598 йил) кейин кучайиб кетди. Ўғли Абдулмўминнинг хукмронлиги олти ойдан ошмади ва у бир гурух фитначи феодаллар томонидан қатл этилди.

Хофиз Таниш ўз асарида юқорида баён қилинган тарихий воқеаларни, яъни Мовароуннаҳрни XVI асрдаги сиёсий аҳволини батафсил ёритиб беради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу асар хукрон синфнинг мақсад ва манфаатларини қўзлаб ёзилган: унда Абдуллахон ва унинг атрофидаги феодал гуруҳлар кўкларга кўтариб мақталган. Шунга қарамай бу асар Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Хурросоннинг XVI асрдаги сиёсий ҳаётини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. “Абдулланома” нинг тарихий манба сифатида афзаллиги шундаки, у асосий тарихий воқеаларни объектив ёритиб берган. Шу жиҳатдан уни Жувайний ва Рашидуддиннинг асарлари қаторига бемалол кўйса арзийди.

Маълумки, Ҳофиз Таниш сарой шоири ва тарихчиси эди. Шунинг учун ҳам у валинеъмати Абдуллахоннинг ана шу юришларини зўр кўтаринкилик билан тасвирлаган. Бу урушларни эса мамлакатда осойишталик ўрнатишга қаратилган харакат деб тасвирлаган. Лекин асарда баён этилган воқеаларни диққат билан ўқир экансиз, муаллифнинг бу меҳнаткаш халқа беҳисоб азоб – уқубатлар етказганини қўрсатиб беришга ҳам харакат қилганини кўриш мумкин. Асарда бўйсунмаган шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг қириб ташланиши, молу – мулкини талон тарож қилиниши ва ҳароб қилиниши каби фактлар кўп учрайди.

XVI асрда хонлик шаҳарларида илм – фан, адабиёт ва китобат санъати ҳам ривож топади. Биз сўз юритаётган “Абдулланома” (“Шарафномайи шоҳий”) ҳам, ибн Араб Муҳаммад Қатағоннинг “Мусаххир ал - билод”, Амин Ахмад Розийнинг “Хафт иқлим” каби қимматли тарихий асарлари, Мутрибийнинг “Таскират уш - шифо”, Нусхайи зебойи, Жаҳонгир каби библиографик асарлар Абдуллахон даврининг маҳсулидир.

Бу ва бошқа тарихий манбааларни чуқур , атрофлича ўрганиш ўзбек халқи, ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон, шунингдек улар билан туташ ўлкаларда истиқомат қилувчи туркий забон халқларнинг келиб чиқиши, уларнинг этник тарихини ўрганишга яқиндан ёрдам беради.

Хофиз Таниш ал – Бухорийнинг “Абдулланома” асарини ҳозирги алифбода 1963, 1966 йилларда биринчи ва иккинчи марта нашр қилганлар, лекин уларда иккинчи мақола (қисми) чала тарзида чоп қилинганди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг бу асарни тўлиқ холда: биринчи ва иккинчи мақолалар тўлиқ холатда икки жилдда 1999 -2000 йилларда қайта ишланган, тўлдирилган ҳолатда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти иштирокида Халқаро Амир Темур ҳайрия жамғармаси хамкорлигига таниқли тарихчи олим – академик Бўрибой Ахмедовнинг кириш сўзи билан “Шарқ” нашриётида чоп этилиши эса ўзбек халқининг илмий ва маданий ҳаётида муҳим воқеадир.

Хулоса қилиб айтганда Хофиз Таниш ал – Бухорийнинг “Абдулланома” асари ота – боболаримиз қолдирган маданий мероснинг яна бир намунасидир. Асарни ўқиган киши ўзбек халқининг тарихини, шу жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг ХВИ асрдаги ижтимоий – сиёсий ва маданий ҳаёти билан танишиш орқали ҳозирги мустақил Ватанимизда тинч – осуда турмуш кечираётганимизга шукроналар айтамиз, ҳамда бунинг қадрига тушуниб етишда ёрдам беради.

Бу асар билан танишиш ўқувчида, китобхонда ўзлигини яхши англашга, тарихий хотирасини янада бойитишга сабабчи бўлади ва шубҳасиз ёрдам беради. Шунингдек, ушбу битурув малакавий ишимиздан ўрта мактаб, академик литцей ва касб хунар коллажларида ўқитиладиган тарих дарсларида Шайбонийлар даври мавзусини ўтишда қўшимча маълумот сифатида фойдаланиш учун тавсия этилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар.

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”. 1997.
2. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. Т., “Шарқ”. 1998.
3. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7 – жилд. Т., “Ўзбекистон”. 1999.
4. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., “Ўзбекистон”. 2011.
6. Аҳмедов Б., Муниров К. Ҳофиз Таниш Бухорий. Т., “Фан”. 1963.
7. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., “Ўқитувчи”. 1994.
8. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., “Ўқитувчи”. 1991.
9. Аҳмедов Б. История географическая литература Средней Азии XIX – XVIII в.в. Т., «Наука». 1985.
10. Аҳмедов Б. История джуйбарских шейхов. В сб. «Духовенство и политическая жизнь». М., 1985.

11. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т., “Ўқитувчи”. 2001
 12. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., “Шарқ”. 2000.
 13. Салохиддинова М. А. Сведение о киргизах в «Абдулланаме» Хафиза Таниша. Известия. А. Н. Киргизской ССР. Серия общ. Наука. Том – ИИ. Выпуск – 3. «Фрунзе». 1963.
-
14. Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. Абдулланома (Шарфномайи шоҳий). I – жилд. Т., “Шарқ”. 1999.
 15. Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. Абдулланома (Шарфномайи шоҳий). II – жилд. Т., “Шарқ”. 2000.
 16. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., “Янги аср авлоди”. 2001.